

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги

Ўзбекистон
қарамлик ва мустақиллик
йилларида

Тошкент — “Ўқитувчи” — 1996

Муаллифлар: Усмонов Қ. — тарих фанлари доктори, профессор (раҳбар), Абдуғаниев А. — иқтисод фанлари доктори, профессор, Маҳмудов Н. — филология фанлари доктори, профессор, Сангиров Р. — тарих фанлари доктори, профессор, Ҳакимов Н. — фалсафа фанлари доктори, профессор, Содиқов М. — тарих фанлари номзоди, доцент, Хошимов Т. — фалсафа фанлари номзоди, доцент, Ҳакимжонов А. — тарих фанлари номзоди, доцент.

Масъул муҳаррир: Жумабоев Й.Ж. — фалсафа фанлари доктори, профессор.

СЎЗ БОШИ

Ўзбек халқи, республикамизнинг барча меҳнаткашлари Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллик муборак тўйини зўр тантана билан муносиб нишонламоқдалар. Инсоний табиатига кўра тинчликсевар, моҳиятига кўра юксак ақл-заковатли меҳнаткаш халқимиз ўзининг мустақиллик байрамини ҳар қанча хурсандчилик ва юксак мамнуният билан ўтказишга ҳақли. 130 йил давомида қарамликда мустақилликка эришиш орзуси билан яшаган халқимиз мана беш йил бўлибдики, эркинликка эришиб, жаҳон цивилизацияси сари бозор иқтисодиётининг ўзига хос ва мос тараққиёт йўлидан комил ишонч ва дадил қадамлар билан ривожланиб бормоқда.

Ўтган беш йил вақт жиҳатдан тарих учун унча ўзоқ масофа эмас, аммо шу давр ичида юксак даражада ривожланган мустақил Ўзбекистон давлатини бунёд этиш борасида амалга оширилаётган буюк ишларнинг ҳажми ҳам, салмоғи ҳам бениҳоя улкан. Энг асосий эришган ютуғимиз шу бўлдики, эски маъмурий-бўйруқ созлик бошқарув тизимидан янги

Бозор муносабатлари тараққиёти йўлига утиш баъзи қардош мустақил давлатларда бўлганидек инқилобий қон тукилишига олиб келган йўллар билан эмас, балки аста-секин ва қаддам-бақаддам ривожланиш орқали содир бўлмоқда.

Бунинг натижасида биз ишлаб чиқаришнинг кескии даражада пасайиб кетишига, нарх-навонинг ҳаддан ташқари ошиб кетишига ва ҳаҳатчилик юз беришига, беқарорликка йўл қўймадик. Жамиятнинг иқтисодий ҳаётидаги таназзул ва тургунликнинг олди олинди.

Сиесий ҳаётдаги баъзи тушунмовчиликлар ва парокандалик ҳолатларига, маънавий ҳаётдаги ишончсизлик ва иккиланиш кайфиятларига барҳам берилди. Эндиликда ҳалқимиз учун бозор иқтисодиёти асосида тараққиёт йўлидан бошқа йўл йўқ. Шунинг учун ҳам улар бу йўлда учраётган баъзи қийинчиликларни тўғри тушуниб, уларни ҳал қилишнинг маъқул йўлларини изламоқдалар ва ўзларининг келгуси истиқболига катта умид ва ишонч кўзи билан қарамоқдалар.

Ўтган йиллар республикамизнинг ҳар бир фуқароси учун кучли ҳаётий синов йиллари бўлди. Миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш, маънавий уйғониш ва миллий ўз-ўзини англаш, озодлик руҳини ўзига сингдириш бўйича ҳар бир киши катта синовдан ўтди, десак муболага бўлмайди.

“Бугун,— деб таъкидлади Президентимиз Ислон Каримов Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 25 июлда бўлиб ўтган мажлисида сўзлаган нутқида,— биз тан-

лаган модель амалда, амалиётда синовдан ўтганидан кейин, Ўзбекистоннинг ислохотлар модели тўғрилиги ҳақида баралла гапириш учун барча асосимиз бор".

Ҳозир республикамиз ўз тараққиётининг энг муҳим ва гоят масъулиятли босқичида турибди. Мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичида амалга оширилган ишларни янада мустаҳкамлаб, иқтисодий ислохотларнинг иккинчи босқичида белгиланган вазифаларнинг юксак даражада ўз муддатларида бажарилишини таъмин қилиш зарур.

Муайян вазифаларни қай даражада ва қай муддатларда амалга ошириш йўл-йўриқлари Президентимиз И. Каримов томонидан ишлаб чиқилган бешта тамойил асосида қадаммақадам ҳаёта татбиқ этилмоқда. Бундай шароитда ҳар бир жамият аъзосининг ўз ватани ва унинг порлоқ истиқболига чинакам садоқатлиги, юксак сиёсий оинги ва ўз вазифасини замонавий талаблар даражасида ниҳоясига етказиши, маънавий етуқлиги ва ахлоқий баркамоллиги гоят муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Лекин биз бир ҳақиқатни тан олишимиз керакки, жамият аъзоларининг ҳаммаси ҳам бир хилда мустақил Ўзбекистон давлатини бунёд этишда фидойилик билан фаол иштирок этаётгиди деб бўлмайди. Ҳатто мамлакатимизнинг янги тараққиёт йулига гов бўлаётган кишилар ҳам йўқ эмас.

Бундай кўнгилсиз нуқсонлар юз беришининг асосий ва бош сабаблари, биринчидан

шубҳасиз, мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш даврида учраётган қийинчиликлар, уларнинг баъзи бирларининг ўз вақтида тегишли ташкилотлар томонидан ҳал этилмаслигидир. Иккинчидан, эски тузум давридаги юксак лавозимлар ва шоҳона яшаш имкониятларидан маҳрум бўлган баъзи кишиларнинг эскича тузумни қўмсаб, янги тузумга ҳалал бериш йўлидаги хатти-ҳаракатлари.

Учинчидан, халқимиз, айниқса ёшларимиз орасида ҳалигача бозор иқтисодиётининг қонун-қоидаларини тўғри ва тўла тушунмаётган, жамиятимиз ҳаётида юз бераётган мураккаб муаммоларга тўғри жавоб топа олмай иккиланиб, баъзи ҳолларда жонажон Ватанимизнинг келгуси порлоқ истиқболига шубҳа билан қараётган ҳам йўқ эмас.

Юқорида қайд этилган нуқсонлар ва муаммолар, шубҳасиз, тегишли давлат ташкилотлари, мутасадди раҳбарлар зиммасига маълум вазифалар юклайди ва бу соҳада зарурий тадбирлар ўтказишни талаб қилади.

Азиз ёш китобхон! Эътиборингизга ҳавола қилинаётган ушбу рисола шу куннинг муҳим ва гоят мураккаб саволларига жавоб топиш ва мураккаб муаммоларнинг ечимини излашда ёшларга ёрдамлашишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ушбу рисолада Сиз мамлакатимиз ҳаётининг ўтмиши, ҳозирги кунини ва келгуси истиқболлари ҳақида учрайдиган гоят мураккаб саволларга ҳам тегишли жавоб топа оласиз. Рисола, турли хил соҳаларда ишлаётган, республика олий ўқув юртларида ўқиётган

ёшлардан тушган саволлар асосида республика-
камизнинг бир гуруҳ жамиятшунос олимлари,
профессор-ўқитувчилари томонидан ёзилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим вазирлиги.

МУСТАҚИЛЛИК — АСРИЙ ОРЗУМИЗ

XX аср сўнгида она Ватанимиз тарихида янги давр — мустақил тараққиёт даври бошланди. 1991 йил 31 августда Республика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессияси Ўзбекистон Республикаси ташкил этилганлигини эълон қилди. Олий Кенгашда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги конституциявий Қонун билан мамлакатимиз мустақиллиги ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди.

1 сентябрь Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни деб белгиланди. Халқимизнинг асрий орзуси, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи рўёбга чиқди, сиёсий мутелик ва зугумдан қутилди. Дунё харитасида яна битта мустақил, тўла ҳуқуқли, суверен давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди.

Бугун Биз мамлакатимиз мустақиллигининг беш йиллигини тўла қониқиш, шоду хуррамлик билан байрам қилмоқдамиз.

САВОЛ: Биз давра суҳбатларида, аудиторларда Ўзбекистон кейинги 130 йил давомида мустамлака, қарам мамлакат эди, халқ асоратда яшарди, деб куйиниб айтилган гапларни жўп эшитамиз. Қарамлик дегани нима ўзи?

Қарамлик тарихи анча узоқ. Аждодларимиз кейинги икки ярим минг йилнинг қарийиб минг йилли мобайнида ўз мустақиллигидан

махрум бўлиб, ажнабийлар ҳукмдорлиги остида бўлган.

Ўтган асрнинг ўрталарида Россия империяси юртимизни босиб олиб, ўз мустамлакасига айлантирди, Шўролар ҳоқимияти даврида ҳам авторитар марказга бўйсинувчи хом ашё етказиб берадиган қарам ўлка бўлиб қолаверди.

Қарамлик деганда, аввало, мамлакатимизнинг, халқимизнинг сиёсий жиҳатдан мутелигини тушунамиз. Миллий давлатчилигимиз инкор этилди, халқнинг хоҳиш-иродасига қарши ўлароқ, ягона Туркистон парчаланиб собиқ империянинг маъмурий-ҳудудий қисмига айлантирилди, юртимиз тепасида юрган арбобларимиз Москвага бўйсундирилди, оддий масалаларни ҳам унинг рухсатисиз ҳал қилолмайдиган бўлиб қолди, озгина бўлсада мустақил фаолият юритишга уринганлар хибсага олинди, судга тортилди, озодликдан маҳрум этилди ёки отилди, фақат бўйсунганлари яшаб буйруқларни бажариб юраверди. Халқимиз ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидан маҳрум этилган эди.

Мамлакатимиз иқтисодий жиҳатдан қарам эди, бой табиий бойликларга, унумдор ерга эга бўлсада, унга эгаллик қилолмасди. Республика ҳудудда жойлашган кўплаб корхоналар бевосита Марказга бўйсунар эди. Ерга нима экиш Марказдан белгиланар, пахта якка ҳоқимлиги юқоридан тикиштирилган эди. Республика ва халқи қанча табиий ресурслар қазиб олинаётганини, корхоналарда етиштирилган маҳсулотларни, пахтани кимдир

қаёққадир олиб кетиб, қайсидир нархда кимгадир сотаётганини, бундан қанча даромад келаётганини билмасди. Халқимиз ўз меҳнати самарасидан баҳраманд бўлолмасди. Бунинг устига озиқ-овқат маҳсулотлар бошқа юртлардан олиб келиниб сотилардида, халққа боқимандасизлар, Сизларни биз боқаяпмиз, деб таъна қилинар эди.

Энг фожиалиси, халқимиз маънавий асоратга солинган эди. Тилимиз, динимиз, миллий қадриятларимиз, расм-русумларимиз топталди. Тарихий ёдгорликлар, мачитлар ёпилди, бузилди, қаровсиз қолди. Машҳур алломаларимиз қораланди, китоблари йўқотилди. Элнинг илмли кишилари, маърифатчилар, мулалар қувғин остига олинди, қатагон қилинди, Ватандан бадарға этилди. Илмомизни икки марта ўзгартириб халқни тарихимиз, илдиларимиздан узишга уринилди. Отамизнинг исмига “вич”, бувамизнинг отига “ов” қўшиб анъанавий исм-шарифларимиз ҳам ўзгартирилди. Хуллас, халқимизни манқуртлаштириб борилди. Биз мустақилликнигина эмас, тилимизни, динимизни, бутун маънавиятимизни йўқотиш даражасига етган эдик.

Қарамлик мамлакатимизнинг бир асрдан ортиқроқ давр мобайнида ташқи дунёдан ажралиб қўйилганлиги билан ҳам изоҳланади.

САВОЛ: Мустақилликка халқимиз қўйилган жиддий ва машаққатли кураш эвазига эришди Ўзбекистон бир тарихий тасолиф оқибатида осонгина, курашсиз мустақилликни қўлга киритди деган фикрлар

бор. Буларнинг қайси бири тўғри, асосли эканлигини тушунтириб берсангиз?

Ҳеч бир мамлакат ва миллат ўз мустақиллигини курашсиз, қаршиликсиз қўлга киритган эмас. Мустақиллик миллатнинг, инсоннинг ақл-заковати, гайрат-шижоати, буюк жасорати билан яратилади.

Маълумки, XX асрнинг иккинчи ярми улкан ва унутилмас воқеаларга бой бўлди. Ер юзининг турли минтақаларида озодлик ва мустақиллик ҳаракатлари кучайиб борди. Мазлум халқларнинг эрк учун кураши асрнинг ғоясига айланди. Ўзга давлатларга тобе бўлиб келган кўплаб мамлакатлар биринкетин эркинликка эриша бошлади. Мустамлакачилик сиёсати ижтимоий ҳодиса сифатида халқаро майдонда ҳалокатга маҳкум этилгани тобора аён бўла борди.

Айтиш мумкинки, бу жараён XX асрнинг энг асосий, энг муҳим ижтимоий-сиёсий тамойили сифатида ажралиб туради ва ниҳоят аср сўнгида тарих тақозоси билан дунёдаги йирик империялардан бири бўлмиш СССР емирилди. Дунёнинг олтидан бир қисмини эгаллаган улкан мамлакатда мутелик ҳолатида яшаган халқлар қарамлик кишанларидан ҳалос бўлдилар. Уларнинг ҳар бири ўз имконияти, ўз ақл-заковати даражасида миллий давлатини барпо этишга киришди. Ўзбекистон халқи ҳам асрий орзусига эришди.

Кўриб турганингиздек мустақиллик собиқ тоталитар тузумнинг бизга берган ином-эҳсонини эмас, балки бу халқимизнинг узоқ йил-

лар давомида олиб борган қаҳрамонона кураши натижасидир.

Баъзи “кароматгўйлар” Ўзбекистонда мустақилликка гўё бир тарихий тасодиф оқиба-тида осонгина, ҳеч қандай курашсиз эришилди деб даъво қиладилар. Ҳаттоки, истиқлол пайтида халқ сукут сақлар эди, деювчилар ҳам бўлди. Истиқлолнинг “жуда осон” қўлга киритилганлиги ҳақидаги миш-мишлар ҳақиқатта тамомила тўғри келмайди, асоссиздир. Бу ҳақиқатни уялмай-нетмай инкор қилиш, тарихни сохталаштириш демақдир. Мустақиллик халқимиз олиб борган узоқ ва сермашаққат курашларнинг қонуний натижасидир ва биз уни кўз қорачигидай сақлашимиз зарур. Эндиликда ўзининг ноёб истеъдоди билан жаҳонни лол қолдирган ўзбек халқининг озодликка қараб интилишини, унинг бўғилган чексиз имкониятларини тўсиб қоладиган, бўғиб қўядиган ҳеч қандай куч-қудрат йўқдир.

САВОЛ: Собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистон тенглар орасида тенг, суверен республика дейиларди, унинг давлат рамзлари — Конституцияси, Байроғи, Герби, Мадҳияси борлигини ҳам биламиз. Буни қандай изоҳлаш мумкин, қарамликнинг ҳуқуқий ва амалий жиҳатлари қандай?

Саволингиз ўринли. Чор Россияси Туркистонни босиб олгач, уни ўзининг губернияларидан бирига айлантирди. Хива хонлиги ва Бухоро амирлигини зўравонлик йўли билан имзоланган битимлар асосида ўзига қарам қилиб қўйди. Туркистон генерал-губернаторлигига республика мақомини ҳам бермади,

Конституция, Байроқ, Герб, Мадҳия тўғрисида ган ҳам бўлмади. XIX аср охириларидаги халқаро муносабатлар ана шундай зўравонликка асосланган эди, бу борада Россия ёлғиз эмасди, кўпчилик йирик давлатлар дунёни бўлишиб олган, жаҳонда мустамлакачилик сиёсати ҳукм суради. Шуролар ҳокимияти, большевойлар сиёсати ва амалиёти бошқача бўлди. Большевойлар ҳокимиятни эгаллаш учун биз ҳар бир халққа ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини берамиз, хоҳласа Россиядан ажралиб мустақил давлат тузиши мумкин, деган ваъдалар бериб ва чоризмга қарши кўтарилган миллий-озодлик ҳаракатидан фойдаланиб ҳокимият тепасига келди. Большевойлар қозғоғда республикалар тузди, уларнинг Конституциялари, Байроқлари, Герблари, Мадҳияларини ҳам белгилаб берди. Бунинг сабаблари бор, албатта. Биринчидан, бу дунёда энг адолатли демократик давлат қурдик, барча халқлар ўз тақдирини ўзи белгиламоқда, деган ташвиқот учун керак эди. Иккинчидан, миллий озодлик учун курашаётган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқларини ўз таъсирига олиш ўз муҳолифларига қарши курашда улардан фойдаланиш учун керак эди. Амалда эса империя сақланди, сиёсий ҳокимиятда тоталитар бошқарув усули қарор топди, номи Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи дейилса-да, мазмунан унитар давлат бўлиб қолди. Бундай вазиятда республикаларнинг мустақиллиги ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Барча республикалар қатори Ўзбекистон ҳам қарам бўлиб қолаверди.

САВОЛ: *Тоталитар бошқарув тизими, унитар давлат деясиз, бунинг мазмунини тушунтириб берсангиз?*

Бу ерда гап жамиятнинг сиёсий тизими, давлат ҳокимиятини амалга ошириш усуллари ҳақида бормоқда. Жаҳон давлатчилиқ тарихи ҳозирги замон сиёсий тизимларининг тўрт асосий гуруҳи мавжудлигини кўрсатмоқда: демократик, либерал, авторитар ва тоталитар. Собиқ Иттифоқнинг сиёсий тузуми авторитар ва тоталитар тузум деб таърифланмоқда. Тоталитар тузум деганда диктатура, маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув усули, яккапартиявийлик, халқнинг ҳокимиятдан, ҳокимиятнинг халқдан бегоналашуви, сиёсатта дахлдор бўлган фаолиятнинг ман қилиниши, қонунларга риоя қилмаслик, қатагон этувчи идораларнинг мавжудлиги, шахсларнинг сиёсий юриш-туришидаги тобелиги ва ҳуқуқсизлиги тушунилади.

Авторитар тузум деганда якка шахс ҳукмронлиги, яъни, чегараси йўқ назорат ва зўрвонлик, ижтимоий ҳаётнинг сиёсатлашуви, шахснинг тўла бегоналашуви ва тобелиги тушунилади. Шўролар ҳокимияти ўрнатган сиёсий тизимда ҳам авторитар, ҳам тоталитар тузум тамойиллари ҳукмрон эди.

Собиқ Иттифоқ федератив давлат, яъни тенг ҳуқуқли суверен республикалар, мухтор республикалар, миллий округлар, мухтор вилоятларнинг ихтиёрий равишда бирлашуви натижасида вужудга келган давлат, дейиларди. Аммо бу оғизда, қоғозда эди. Амалда СССР унитар давлат, яъни яхлит, бир бутун марказ-

лашган давлат эди. Республикалар, мухтор республикалар, миллий округлар, мухтор вилоятлар номигагина шундай айтиларди, аслида улар марказлашган яхлит давлатнинг маъмурий-ҳудудий қисмлари эди. Жумладан, Ўзбекистон Марказга тўла бўйсунарди, унитар давлатнинг бир қисми эди, Республика раҳбарларини, ҳатто вилоят раҳбарларини ҳам ўзбекистонликлар эмас, Марказ танлаб, тайинлаб қўярди. Бундай дарднинг давоси мустақиллик эканини халқимиз яхши тушунарди ва мустақилликка интиларди.

САВОЛ: Мустақиллик халқимизнинг асрий орзуси экан, халқ орзу қилиб тинч яшайвердими ёки мустақиллик учун курашдими?

Халқимиз ҳеч қачон қарамликка рози бўлмаган, у бор кучи билан мустақиллик учун курашган. Мамлакатимиз тарихи саҳифаларида мустақиллик учун курашган Широқ ва Тўмарис, Спитамен ва Муқанна, Жалолиддин Мангуберди ва Темур Малик номлари, 1874—1876 йиллардаги Пўлатхон қўзғолони, 1892 йилги Тошкент қўзғолони, 1898 йилги Дукчи Эшон қўзғолони, 1916 йилги қўзғолон, жаҳидлар ҳаракати, Шурулар ҳокимиятига қарши олиб борилган истиқдолчилар ҳаракати олтин ҳарфлар билан ёзилди. Кўҳна тарихимиз халқнинг асрлар оша мустақилликни орзу қилиб тинчгина, жимгина ўтирмаганлигини, мустақиллик гоёларини баланд кўтариб қўлга қурол олиб курашганлигини, бу йўлда кўплаб қон тўкилганлиги, катта қурбонлар берганлигини яққол кўрсатиб турибди. Асримизнинг

20—30- йилларида қарор топган ва тобора кучайиб борган авторитаризм ва тоталитаризм шароитида, ҳар бир шахс устидан назорат ўрнатилган пайтларда ҳам мустақиллик гоёси ўлмади. Тўғри, 30- йилларда истиқлолчилар ҳаракати зўравонларча бостирилган, унинг ташкилотчиларидан ўч олинган эди, халқни мустақиллик учун курашга кўтариш, қўзғолон қилиш мумкин бўлмай қолди. Бироқ, миллатимизнинг илғор зиёлилари мустақиллик учун курашни давом эттирди. Абдулла Қодирий ва Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат ва Усмоён Носир каби сиймолар Ватанимиз, миллатимиз озодлигини куйлагани учун қатагонларга учради, мустақиллик йўлида шаҳид кетди.

САВОЛ: *Тараққийпарвар зиёлиларимиз мустақиллик гоёсини куйлаб, уни рўёбга чиқариш учун курашган эканлар, омма уларга қандай муносабатда бўлди, нега уларни қувғинлик ва қатагонликдан асраб қололмади?*

Юқорида айтилганидек, халқимиз доимо илғор фикрловчи зиёлилар билан бирга бўлди, мустақиллик гоёсини, уни тарғиб қилувчиларни қўллаб-қувватлади, улар билан елкама-елка туриб курашди, қўзғолонларда, истиқлолчилар ҳаракатида қатнашди. Бироқ 30- йиллардан бошлаб Шўролар ҳокимияти одамларнинг сиёсий ишлар билан шуғулланишини қатъиян ман этди, ҳар бир фуқаро устидан назорат ўрнатди, одамлар йиғиладиган, суҳбатлашадиган жойларга айроқчилар қўйди, фисқи-фасод ва игво, одамларнинг бирини иккинчи-

сита қарши қўйиш, бегуноҳ кишиларга туҳматлар ёғдирувчи мактублар ёзишни уюштирди. Мана шундай маккарона сиёсат билан оз эмас, кўп эмас 40 мингга яқин кишиларимиз қатагон қилинди. Қамалганларни қўллаб-қувватлаш, турмадан чиқаришга ҳаракат қилиш у ёқда турсин, улар ҳақида яхши одам эди, айбсиз эди, дейишга ҳам қўрқиб қолдилар. Гапирадиган гапни етти марта эмас, юз марта ўйлайдиган, яхшиси гапирмайди ган ҳолатта тушиб қолди. Шу сабабдан омма зиёлиларни қувгинлик ва қатагонликдан асраб қололмади. Негаки, халқнинг ўзи ҳам исканжага олинган, қатагонликка учраган эди. КПСС деб аталган сиёсий машина бош кўтарган ҳар қандай арбобни, унга қўшиб бутун бир халқни ҳам мажақлаб ташлайдиган бўлиб қолган эди.

САВОЛ: Бундай муҳит қачонгача давом этди? То мустақиллик жунигача мустақиллик ҳақида ошкора гапирришнинг иложи бўлмади?

Саволингиз ўринли. 50- йилларнинг иккинчи ярмида шахсга сизиниш қоралангач, ижтимоий ҳаётни янгилаш, жамиятни демократиялаш, республикаларнинг хўжалик ҳуқуқларини кенгайтириш сари қандайдир қадмалар ташланди. Мамлакат узра илиқ бир шабада эстандай, ижтимоий фикрда янги гоялар ва ёндашувлар кузга кўрингандай бўлди. Қатагон қилинганларнинг бир қисми оқланди. Аммо бу жараён демократик ва консерватив тенденцияларнинг кураши доирасидагина юз берди. Кўп ўтмай консерватив кучлар голиб

келиб, яна орқага қайтилди, “эски тос, эски ҳаммом” бўлиб қолаверди.

80- йилларнинг иккинчи ярмида ижтимоий ҳаётда жонланиш бошланди. Совет жамиятини “қайта қуриш” деб аталган йилларда хилма-хил фикрлар билдириши, одамлар дилларидagini ошкора айтиш имконияти вужудга келди. Ўзбек халқининг дилидаги гоя — мустақиллик гояси эди, халқ мана шу буюк гояни кутарди. Мустақиллик учун ҳаракатда янги тўлқин бошланди. Аммо юртимизда ҳукмрон бўлган марказдан юборилган” кадрлар тўдаси”, уларнинг қош-қовоғига қараб иш юритадиган ўзимизнинг айрим ожиз раҳбарларимиз бу гояга, уни амалга оширишга тўсқинлик қилди. Миллий кадрларимизга нисбатан яна қатағонлик уюштирилди, 30 мингга яқин одам жинсий жавобгарликка тортилди ва уларнинг аксарияти қамалди. Минг шукурлар бўлсинким, тарих тақозоси билан элим, юртим деб ёниб яшаётган Ислоҳ Каримовдек фидойи инсоннинг Мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи раҳбарлик лавозимига сайланиши бу соҳадаги адолатсизликларга барҳам берилиши ва ҳақиқатнинг тикланишига олиб келди, беғуноҳ қамалганлар озодликка чиқарилди, адолат тикланди.

И. Каримов халқ хоҳиш-иродасини бажариб, ўзбек тилига даваат тили мақомини бериш ишига бошчилик қилди. 1989 йил 21 октябрда Олий Кенгаш Ўзбекистоннинг давлат тили ҳақида қонунини қабул қилди. Сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида ўзбек тилига тўла амал қи-

лиш қонунлаштирилди. Бу қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизнинг мустақиллик сари ташлаган биринчи қадами бўлди.

1990 йил 24 март куни Олий Кенгаш сессияси И. А. Каримовни Ўзбекистон Президентини этиб сайлади. 1990 йил 20 июнда Ўзбекистон суверенитетини тўғрисида Декларация қабул қилинди, Ўзбекистоннинг мустақилликка интилиши эълон қилинди. Бу мустақиллик сари ташланган янги дадил қадам бўлди.

САВОЛ: Ўзбекистон қандай тарихий вазиятда давлат мустақиллигини қўлга киритди? Мустақилликни тинч, парламент йўли билан қўлга киритишнинг афзаллиги нимада?

Ҳар қандай зўравонликнинг, ҳукмронликнинг чеки-чегараси бор. Жаҳон тарихи кўплаб империяларнинг пайдо бўлгани, йиллар давомида бошқа халқларни асоратга солгани, пировардида парчаланиб кетгани, асоратдаги халқларнинг яна озод, мустақил бўлгани тўғрисида гувоҳлик беради. 80- йилларнинг охири — 90- йилларнинг бошларида СССР деб аталмиш империя таназзулга юз тутди. Уни ушлаб турган КПСС халқларнинг озодлик, мустақиллик ҳаракатини жиловлашга ожиз бўлиб қолди. СССР халқ депутатлари қурултойи Иттифоқ Конституциясининг совет жамиятида КПССнинг раҳбарлик ролини қонунлаштирувчи 6 ва 7- моддаларни бекор қилди. Коммунистик мафжура ҳукмронлигига зил кетди, чок-чокидан сўкила бошлади. Республикалар қонуний йўл билан Парламент орқали мустақил бўлишга интилдilar. Марказнинг

1990—1991 йиллардаги СССРни янгилаш, му-
стақил давлатлар иттифоқини тузиш орқали
ҳукмронликни сақлаб қолиш учун уриниши
ҳам зое кетди.

Республикалар учун, жумладан Ўзбекистон
учун давлат мустақиллигини қўлга киритиш
имконияти вужудга келган бир пайтда
Москвада Фавқулодда ҳолат давлат қўмитаси
вужудга келди. Бу қўмита аъзолари республи-
каларни жиловлаш, марказий ҳокимиятни
асраб қолишга охирги марта уринди, аммо
уриниш зое кетди, фитна бостирилди, марказ-
ий ҳокимият фалаж бўлиб қолди. Республи-
калар бирин-кетин ўзларининг мустақиллиги-
ни эълон қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.
Каримов ташаббуси билан 1991 йил 31 август
куни Олий Кенгашнинг навбатдан ташқари
олтинчи сессияси чақирилди. И. Каримов сес-
сияда нутқ сўзлаб, вужудга келган янги
сиёсий вазиятни таҳлил қилиб берди ва
Ўзбекистон учун давлат мустақиллигини қўлга
киритиш имконияти вужудга келганини асо-
слаб берди. Сессия Баёнот қабул қилиб,
Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллигини ва
озод суверен давлат — Ўзбекистон Республи-
каси ташкил топганлигини эълон қилди ва 1
сентябрь кунини Ўзбекистон Республикаси-
нинг Мустақиллиги куни деб белгилаш ҳақида
қарор қабул қилди. Мамлакатимиз мустақил-
лиги сессияда қабул қилинган “Ўзбекистон
Республикасининг Давлат мустақиллиги асос-
лари тўғрисида”ги конституциявий Қонун
билан мустаҳкамланди. Халқимизнинг асрий

орзуси, муқаддас мақсади рўёбга чиқди, озода суверен давлат тузилди.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг давлат мустақиллигига тинч, парламент йўли билан қонуний асосларда эришди. Бундай йўл билан мустақилликка эришишнинг афзалликлари катта. Хонавайронликка олиб келувчи уруш бўлмади, қон тўкилмади. Бу дегани, мустақилликка бир тарихий тасодиф оқибатида, осонгина эришдик, дегани эмас. Халқимиз бу йўлда огир ва машаққатли йўлни босиб ўтди, катта қурбонлар берди. Мустақиллик халқимизга ниҳоятда қимматга тушди. Бунга Ватанимиз тарихи гувоҳдир. Аждодларимизнинг мустақиллик учун курашгани чуқур англаш, давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

САВОЛ: Мустақиллик деганда нималарни тушунамиз? Унинг масъулияти қандай?

Мустақиллик деганда, энг аввало, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олишни, ўзбек халқининг қадр-қимматини ва тилини ўз ўрнига қўйишни, ўзлимизни англашни, миллий қадриятларни, урф-одатларимизни тиклашни тушунамиз. Мустақиллик — бу миллий давлатчилигимизни тиклаш, кучли демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, ҳеч кимнинг қошқовига қарамай мустақил ички ва ташқи сиёсат юритиш дегани.

Мустақиллик — бу мамлакатимизнинг ерусти ва ер ости табиий бойликларига эгалик қилиш, халқ қудрати, салоҳияти, ақлузаковатига таяниб иш юритиш, мустақил

иқтисодий сиёсат олиб бориш, ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун муносиб турмуш яратиш, деган маънони билдиради.

Мустақиллик — бу ҳар бир фуқаро учун — миллати, ирқи, диний эътиқодидан қатъи назар, тенглик, эркинлик яратиб бериш дегани. Мустақиллик деганда соғлом авлодни, ҳар жиҳатдан баркамол ва фидойи ўғил-қизларни тарбиялаш ва вояга-етказишни, келажак авлодга озод ва обод ватан қолдиришни тушунамиз.

Мустақиллик деганда жонажон Ватанимиз Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилишини, унда муносиб ўрин эгаллашини тушунамиз.

Мустақиллик — бу жуда катта масъулият дегани. Мустақилликни асраш, мустаққалаш осон вазифа эмас, унинг юки оғир. Жаҳон тарихида халқлар ва мамлакатларнинг сиёсий мустақилликни қўлга киритгандан кейин мустақиллик масъулиятини кўтаролмай яна йирик давлатларга қарам бўлиб қолганини кўрсатувчи мисоллар оз эмас. Мустақилликни мустаққамлаш учун, мустақиллик билан боғлиқ буюк мақсадларимизга эришиш учун юртимизнинг барча аҳолиси Ўзбекистонни ягона ва азиз юртимиз деб билиши, ўз тақдирини Ватан тақдири билан узвий боғлаши, элим ва юртим деб ёниб яшамоғи, ташаббускорлик ва билимдонлик билан меҳнат қилмоғи, Ватан олдидаги ўз инсоний ва фуқаролик бурчларини сидқидидан бажо этмоғи лозим.

САВОЛ: Мустақиллик туфайли Ўзбекистон нималарга эришди ва қандай муаммолар бор? Шулар ҳақида маълумот берсангиз?

Мана, беш йилдирки мустақиллик шамолидан баҳра оляпмиз. Бу йиллар бой имкониятта эга бўлган, республика ва унинг аҳолисини танг ҳолатдан, моддий ва маънавий инқироздан чиқариш, миллий давлатимиз пойдеворини қуриш, иқтисодиётимизни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш йиллари бўлди.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг ўтган йиллар ичида ўз миллий давлатимиз ривожининг бутун бир тарихий даврини босиб ўтдик, давлат тизими ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида муҳим ўзгаришларга эришдик.

Истиқлолга эришиб, қисқа муддат ичида республика ўзининг мустақил иқтисодий, сиёсий ва миллий сиёсатига, давлат тили, Герби, Мадҳияси, Байроғи ва асосий қонунига эга бўлди. Ўзбекистон давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали шакли — Президентлик Республика бошқарув усули жорий этилди.

Мустақилликнинг беш йили маънавий ҳаётимизда уйғониш юз берган, кўҳна тарихимизни тиклай бошлаган, тарихдаги ўрни-мизни чуқур англай бошлаган йиллар бўлди. Ана шу йиллар ичида эскича ақидалардан, тафаккур услубидан, ҳаётда ўзини оқламаган, зўрликка, истеъдодга асосланган Коммунистик мафкурадан бутунлай холи бўлиб, истиқлол ва тараққиёт мафкурасини яратиш,

унга асосланиб фаолият кўрсатиш учун ҳаракатлар қилинди ва катта муваффақиятларга эришилди.

Жамиятимиз маънавий жиҳатдан янгилана бошлади. Халқимизда миллий ғурур кучайди, миллий ўзлигини англаш, сиёсий онглилик, сиёсий маданият ўса бошлади. Одамларнинг дунёқараши, ҳаётга, меҳнатга муносабати ўзгарди, Ватанга меҳри ошди. Ҳаётимизда, қалбимиз тўрида миллий ва умуминсоний қадриятларга интилиш кучайди. Булар янги даврнинг, миллий мустақиллигимизнинг олижаноб хусусиятлари, маънавий соҳасидаги буюк самараларидир.

Мустақиллик шарофати туфайли ўз ер-миз, бойликларимизга соҳиблик қила бошладик. Республикамиз ўз олтини, бошқа нодир ва қимматбаҳо металлларнинг мустақил эгаси бўлди. Ер усти ва ер ости заҳираларимиз, авлод-аждодаларимиз меҳнатлари билан яратилган маданий бойликларимиз, иқтисодий, илмий-техникавий ва маънавий куч-қудрат ва имкониятларимиз халқимиз фаровонлиги, мустақил республикаимизнинг ҳозирги ҳаёти ва истиқболи учун хизмат қилувчи замин бўлди. Иқтисодий соҳада салмоқли ишлар амалга оширилди. Мулкчилик ва тадбиркорликни, ташаббускорлик ва ишбилармонликни ривожлантириш, янги тажрибалар ва ишбилармонликни рағбатлантириш, корхоналар, хўжаликлар, фермерларга эркинлик, шахсий томорқа эгаларига ёрдам бериш бўйича ҳам туркум қонунлар қабул қилинди, фармонлар чиқарилди.

Мустақиллик туфайли ташқи дунёдан ажраллишга чек қўйилди, ҳозир Ўзбекистонни дунёдаги барча мамлакатлар тан олди. Улардан 100 таси билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Ўзбекистон пойтахтида 40 дан ортиқ мамлакатнинг элчихона ва консулхоналари ишлаб турибди. 20 дан ортиқ давлатда республикамизнинг дипломатия элчихоналари ишлаб турибди.

Ўзбекистон обрўли халқаро иқтисодий ҳамкорлик ташкилотларининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида қатнашмоқда.

Хулас, мустақиллик туфайли шунчалар улкан муваффақиятларга эришдикки, уларни асрларга қиёсласак муболага бўлмаса керак.

Ўзбекистон мустақил бўлганидан сўнг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий-маънавий соҳаларда эришилган дастлабки ютуқларимизга ортиқча баҳо бериб, энди бизда миллий истиқлол учун ҳеч қандай муаммо, қийинчилик қолмади десак хато бўлади.

Жамиятимизнинг олға томон тараққиёти жуда оғир ва мураккаб бир тарихий шароитда қийинчиликлар ва турли зиддиятларни дадиллик билан оқилона ҳал этиш, мустақилликни ҳимоя қилиш, мустаҳкамлаш асосида амалга ошироқда.

Мустақиллик ҳеч қачон таппа-тахт, раво йўлдан бормайди. Президентимиз айтганидек, — “Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз — бу гул билан қопланган йўл эмас, бу — тоталитаризм меросидан халос бўлиш ва поклалиш, мафкуравийлик иллоти етказган зиён-заҳматларни баргараф этишнинг қийин, узоқ

давом этадиган йўлидир. Бу — жаҳон цивилизациясига қўшилиш, чинакам сиёсий ва иқтисодий истиқлолга эришиш йўлидир”.

Ечилиши зарур бўлган, мустақилликни сақлаш ва мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этадиган муаммолар хилма-хилдир. Ана шулар ичида энг асосийларидан бири — иқтисодий муаммодир. Иқтисодий муаммолар мазмун жиҳатдан кенг ва чуқур бўлиб, ўз ичига жуда кўп соҳа ва масалаларни қамраб олади. Буларга мамлакатнинг кўп миллионли халқини боқиб учун зарур бўлган озиқ-овқат, кийим-кечак, ёқилғи, кам даромадли аҳолини ижтимоий ҳимоялаш сингарилар киради.

Миллий бойликларнинг кўпайишини таъминлаш, одамларнинг муносиб турмуш ва иш шароитларини яхшилайдиган қудратли, барқарор ва жўшқин ривожланиб борувчи иқтисодиётни барпо этиш, табиий ресурслардан аёвсиз фойдаланишга, атроф-муҳитта зиён етказилишига ва республикадаги экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик ҳам иқтисодий муаммонинг муҳим таркибий қисмларидандир.

Яна шундай муҳим, мураккаб, кўп вақт талаб этадиган муаммолар ҳам борки, уларни тезликда ҳал этмасдан туриб Ўзбекистон давлат мустақиллигини мустаҳкамлашга эришиб бўлмайди. Омманинг сиёсий онги ва маданиятини ошириш, сиёсий фаоллиги ва бунёдкорлигини кучайтириш, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаёти, ишлаб чиқаришни, давлат ишларининг ҳамма соҳаларини бошқариш, идора этиш, назорат қилишни мустақил

Ўзбекистон халқи ихтиёрига бериш билан боғлиқ бўлган сиёсий муаммолар шулар жумласига киради.

Сиёсий муаммоларни ҳал этиш учун унинг асосий йўллари, механизмлари, ҳуқуқий асосларини яратиш ва амалга ошириш талаб қилинади.

Маданиятимиз ва маънавиятимизга бевоҳида дахлдор бўлган долзарб муаммолар, узоқ йиллар мобайнида йиғилиб, тўпланиб қолган, чоризм давридан, тоталитаризм ва мустабиллик тузумидан мерос бўлиб келаётган ўта зарур вазифалар борки, уларни амалда ҳал этмасдан туриб мустақилликни мустаҳкамлаш сингари олижаноб режаларимизни рўёбга чиқара олмаймиз.

Биринчилар қатори чор мустамлакачилари ва мустабил тузумдан бизга мерос бўлиб қолган маънавий-маданий қийинчиликлардан қутулиш, бу йўлдаги барча тўсиқларни олиб ташлаш, миллий урф-одатларимиз, удумларимиз ва анъаналаримизни, миллий қадриятларимизни, буюк алломаларимизнинг муборак номларини тиклаш, миллий гуруримизни юксак даражага кўтариш, нодир маънавий бойликларимизни Ўзбекистонга қайтариш каби кўплаб муаммолар шулар жумласига киради. Бу муаммолар бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлганлиги туфайли, улар алоҳида-алоҳида тарзда эмас, балки биргаликда ҳал этилади.

Тулик ишонч билан айтиш мумкинки, олдимизда қандай мураккаб тўсиқлар бўлмасин бу муаммолар муваффақиятли ҳал этилади.

Халқнинг табиий ва илмий салоҳияти чарогон кунларни етказиб келаверади. Шу ўлка — шу тупроқ, шу Ватан бизга аجدодлардан мерос қолди. Уни авлодларга озода ва обод ҳолда қолдириш ҳар биримизнинг келажак ватанпарварлик, фуқаролик ва инсонийлик бурчимиздир.

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШНИНГ СИЁСИЙ ОМИЛЛАРИ

Ўзбекистон сиёсий мустақиллик туфайли халқаро майдонга чиқди, барча каттаю-кичик мамлакатлар доирасида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Ўзбекистон тенглари ичида тенг бўлди.

Сиёсий мустақиллик барча кўзлаган мақсадимизнинг замини, пойдевор тошидир. Шунинг учун уни ҳимоя қилиш, қадрлаш, улуғлаш ва унга хизмат қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

САВОЛ: *Сиёсий мустақилликнинг маъноси, туб моҳияти, асосий белгилари нимадан иборат? Сиёсий мустақилликнинг дунёда эътироф этилган бирламчи, белгилорчи омил нима?*

Сиёсий мустақиллик давлат ҳокимиятини мустамаला ва сканжасида бўлган халқ, миллат томонидан қўлга олиш билан бошланади. Сиёсий ҳокимиятни қўлга киритмасдан туриб мустақиллик ҳақида сўз юритиш мумкин эмас. Сиёсий мустақиллик айти бир пайтда ҳам иқтисодий мустақилликнинг, ҳам маданий-

маънавий мустақилликнинг замини, пойдевори дидир.

Сийсий мустақилликнинг бирламчи белгиловчи омили — бу давлат ҳокимиятига эга бўлишдир.

Сийсий мустақиллик бу ҳар бир халқ ва миллатнинг ўзини ўзи идора этиши, ўз тақдирини, келажагини ўзининг қалб амри, хоҳиши ила ҳал этишидир.

Сийсий мустақиллик давлат чегараси ва ҳудудининг дахлсиз ва бўлинмаслигини, унинг халқи розилигисиз чегара ва ҳудудини ҳеч қачон ўзгартириб бўлмаслигини назарда тутадиди.

Ҳар қандай давлат сийсий мустақиллигининг энг муҳим, асосий белгиларидан яна бири — ўз конституциясига, фуқаролигига, тилига, миллий пулига, миллий байроги, герби ва миллий мадҳиясига, миллий армиясига эга бўлишдир.

Сийсий мустақиллик ҳар бир давлат ёки республиканинг ички ва ташқи сийсати соҳасидаги барча ишларни ўзи мустақил амалга оширишини ҳам билдиради.

САВОЛ: Собиқ шўролар ҳокимияти ўзини "чинакам халқ ҳокимияти" деб эълон қилган эди. Ҳозирги мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасида ҳам халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбая деб ёзиб қўйилган? Буларнинг тафавути борми, агар бўлса, шулар ҳақида маълумот берсангиз?

Ҳақиқатан ҳам ташқаридан қараганда ҳар
иккала туширича бир-бирига жуда ҳам ўхшаш.
Лекин улар ўртасида катта амалий фарқ бор.

Биринчи навбатда шуни алоҳида таъкид-
лаш керакки, СССР Конституциясида ёзилган
қондалар кўп ҳолларда реал ҳаётдан мутлақо
ажралиб қолган эди. Ҳокимият халқники деб
ёзиб қўйилган бўлса-да, аслида сиёсий ҳукм-
ронлик ҳақиқатда тайинлаб, лекин юзаки сай-
лаб қўйилган бир гуруҳ кишилар қўлида эди.
Бунинг устига мустабид тузим шароитида
сиёсат ҳам, фан ва маданият ҳам, ҳуқуқ, ахлоқ
ва санъат ҳам Коммунистик партиянинг якка
ҳукмронлигига бўйсундирилган эди.

Шўролар ҳокимияти йилларида бошқар-
ишнинг партия—давлат диктатураси ташкил
топган эди. Конституцияда “Халқ давлат
ҳокимиятини Халқ депутатлари орқали амалга
оширади” деб ёзиб қўйилган бўлса-да, амалда
депутатлар ҳеч қандай ҳал қилувчи рол ўйна-
мас эди. Аслида бу амалдаги ниқоб эди, холос.

Мамлакатни бошқариш жамият аъзолари
манфаатларидан йироқ, халқдан бутунлай
ажралиб қолган бир гуруҳ мансабдор “раҳбар-
лар”нинг танҳо монополиясига айланиб қол-
ган эди. Халқни қарамликка гирифтор этган
тоғалитар тузим одамларни ҳокимият ҳақида
ўйламайдиган юзага келган муаммоларни ҳал
қилишда мутлақо қатнашмайдиган руҳда тар-
биялади. Энг асосийси сиёсий раҳбарлар халқ
номидан гапириш, ҳукм чиқариш каби одагга
ўрганиб қолган эдилар.

Тақдиримизга тасанно айтсак арзийдики,
эндиликда бундай ҳолларга барҳам берилди.

Республикамиз Конституциясида ёзилган барча қонун-қоидалар реал ҳаётимизда тўлалигича ўз ифодасидан топмоқда.

Конституциямизда белгилаб қўйилган давлат суверенети, халқ ҳокимиятчилиги, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари ҳақидаги жами қонунлар ҳақиқатан ҳам кундалик ҳаётимизнинг бош мезони бўлиб қолган.

Ҳозирги кундаги Республика Олий Мажлис, вилоятлар, шаҳар ва туманлардаги халқ депутатлари зиммасига мамлакатни бошқаришда гоят масъулиятли вазифалар юклатилган, улар кенг доирадаги меҳнаткаш халқ билан маҳаллий Кенгашлар ва маҳалла қўмиталари орқали жойларда жуда муҳим масалаларни ечадилар ва кўп қиррали фаолият кўрсатишмоқдалар.

САВОЛ: Шўролар ҳокимияти Конституциясида ҳам "қардош жумҳуриятларнинг" "тўла тенг ҳуқуқлиги", "мустақиллиги", "ўзини-ўзи идора этиши" батафсил таърифланган эдику, бунинг нима си ёмон?

Тўғри, собиқ Иттифоқ Конституциясининг 76-моддасида "суверен давлат", "давлат ҳокимиятини мустақил равишда амалга оширади", каби қонун ва қоидалар ўзининг тўлиқ аксини топган, ҳаттоки бу ҳақда сон-саноксиз китоблар, рисоалар ёзилди, диссертациялар ҳимоя қилинди, илмий анжуманлар ўтказилди, мунтазам равишда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Сиртдан қараганда юқоридаги фикр тўғридай бўлиб кўринади. Чунки коммунистлар жумҳуриятлар "миллий мустақиллиги-

нинг" тарихда илгари мисли кўрилмаган шундай бир шаклини ўта устамонлик ва хийлакорлик билан яратган эдиларки, унинг туб моҳиятига одам бирданига тушуниб етолмайди. Унда мустақил давлатнинг барча анъанавий белгиларига, яъни ҳар бир мустақил жумҳурият ўз номига, миллий тилига, конституциясига, ўз ҳудуди ва ҳукуматига, мадҳияси ва давлат нишонларига эга эди. Гўё иттифоқдош жумҳуриятларнинг ҳар бири СССР таркибидан эркин чиқиш ҳуқуқига эга бўлиб, уларнинг конституцияларида бу ҳақда ёзиб ҳам қўйилганди.

"Жумҳуриятларнинг мустақиллиги ва суверенитети" ҳақида айтилган гаплар жаҳон афкор оммасини алдаш, лақиллатиш учун қилинган кўзбўямачилиқдан бошқа нарса эмас. Аслида жумҳуриятларнинг бирортаси ҳам, РСФСР ни ҳисобга олмаганда, на миллий, на мустақил давлат мақомига эга эмас эди. Уларнинг ҳаммаси марказга мажбуран бўйсундирилганди. "Мустақил" жумҳуриятлар ўз пойтахтларида н эмас, марказдан бошқарилди.

Шу ўринда Президентимизнинг қуйидаги сўзларини келтириш жоиздир. Собиқ шўролар ҳокимияти даврида — "бизлар ким эдик?, каъба деб қаерга сигинар эдик?, ҳар тонг "ассалом..." деган мадҳия оҳанглари остида кимларга қуллуқ қилиб уйғонардик? Миллий гуруримиз, инсоний шаънимиз, урф-одатларимиз қандай гушунчаларга алмаштирилган эди, ...ўша кезлари Ўзбекистонни дунёда биров билармиди? Куни кеча эмасмиди бошимизни кўтармасдан яшаганимиз?

Кремлинг ҳар бир имосига махтал бўлиб, ярим қуллик ҳолатида кун кечирганимиз? Бу кунларни унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ”.

Миллий ўзлигимизни англаб олишимизга йўл бермаслик мақсадида мустамлакачилар томонидан олиб борилган зўравонлик сиёсати натижасида миллий гуруримиз, урф-одатларимиз, инсоний қадриятларимиз ерга урилди. Сохта байналмилалчилик шовқинлари остида халқимизнинг ҳақ-ҳуқуқи, эрки, тили, тарихи, маданияти, дини тазйиқ остига олинди. Миллийлик ва миллий мансубликка, миллий ҳис-туйғу ва миллий гурурга зимдан зарба берила бошланди.

САВОЛ: Ҳуқув хоналарида, оммавий ахборот саҳифаларида тоталитар тартиботдан демократик тартиботга ўтганлигимиз ҳақида кун гапирилади. Улар ўртасида қандай тафовут бор?

Тоталитар тартибот — гайридемократик тартиботнинг энг ашаддий турларидан бирidir. Бунда давлат бошқаруви тизими марказлашган ва буйруқбозлик характериға эға бўлади; ижтимоий йўналиш, иқтисодиёт ва маданият устидан қаттиқ ва ҳар томонлама давлат назорати ўрнатилган бўлади; демократия институтлари, яъни конституция, сиёсий эркинликлар поймол қилинади; ҳар қандай тарздаги фикрлаш ва ҳар қандай оппозиция қонундан ташқари деб эълон қилинади; бутун ҳокимият бир гуруҳ кишилар қўлиға ўтиб, очиқдан-очиқ ва тўғридан-тўғри диктатураға айланади.

Тоталитар тартибот — бу жамият ҳаётининг барча соҳалари устидан назорат қилувчи, демократик ташкилотларни тақиқлаб қўювчи, инсоннинг конституцион ҳуқуқлари ва эркинликларини бекор қилувчи, тараққийпарвар кучларни қатагон қилувчи, ижтимоий ҳаётни ҳарбийлаштирувчи сиёсий ҳокимият шаклидир. Собиқ шўролар ҳокимияти айнан шундай тартибот шаклига асосланган бошқарув услубидир.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон бу эски жамиятдан, мустамлакачилик, тоталитар тузумдан озодлик, эркинлик ва ҳуррият қарор топадиган янги демократик жамиятга ўта бошлади.

Демократик тартибот — бу сиёсий ҳокимиятни амалга оширишнинг кенг тарқалган шаклидир. Унда демократия институтлари, сиёсий эркинликлар бўлишига, меҳнаткашларнинг турли ташкилотлар атрофида бирлашишига имкон берилади. Демократик тартиботта асосланган мамлакатларда инсоннинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши ҳамда уни амалга ошириши, озчилик фикрининг кўпчилик томонидан ҳисобга олиниши, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлиги, жамият ва давлат бошқарувида қонун устиворлиги, давлатнинг асосий органлари сайланиши ва бошқалар киради. Ана шу тамойиллар барча ривожланган мамлакатлар, шунингдек мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўз ифодасини топган.

САВОЛ: *Ўзбекистон келажаги буюк давлат эканлигини изоҳловчи сиёсий, иқти-*

СОДИЙ, ИХТИМОЙ ВА МАЪНАВИЙ АСОСЛАР ҚАНДАЙ?

Президент И. А. Каримов томонидан қатъий ишгонч ва асосли равишда айтилганидек, "Ўзбекистон — келажаги буюк давлат", деб таъкидламоқ учун барча асослар бор. Республикада ҳамма нарса: табиий бойликлар, унумдор ер, қудратли иқтисодий ва илмий техникавий, инсоний ва маънавий салоҳият мавжуд. Энг муҳими — бу ерда меҳнатсевар ва истеъдодли халқ яшайди.

Ўзбекистон ўтмишининг оғир оқибатларини баргараф этишга, танглиқдан чиқиб олишга, иқтисодий мустақилликка эришиб, ривожланган мамлакатлар сафига қўшилишга имкон берадиган етарли куч-қудратга эгадир.

Мустақиллик тусфайли илгари иттифоқ ихтиёрида бўлган барча йирик ишлаб чиқаришлар корхоналари Ўзбекистон республикаси мулкига айлантирилди. Ана шу мол-мулклар, барча табиий-иқтисодий бойликлар эндиликда нафақат ўзимизни, замондошларимизни, келажак авлодни, Ўзбекистондаги барча халқ ва миллатнинг бахтиёр ҳаётини таъминлаш учун хизмат қилади. Бу бойликлар Ўзбекистоннинг келажакда буюк давлатга айланиши, мустақилликнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, миллий кадриятларимизни тиклаш ва ривожлантиришга кенг имконият яратади. Ўзбекистон ҳудудида йилига 40 миллиард куб метрдан зиёд табиий газ, шунингдек нефть ва кўмир қазиб чиқарилади. 56 миллиард киловатт соатдан зиёд электр энергия ҳосил қилинади.

Ўзбекистонда саноат етарли даражада ривожланган. Иқтисоднинг мана шу секториди минглаб корхона, фабрика ишлаб турибди, улар юздан зиёд тармоқни, шу жумладан машинасозлик, енгил, кимё, нефть кимёси, озиқ-овқат саноати, металлургия ва бошқа ишлаб чиқаришларни ўз ичига олади.

Қишлоқ хўжалигининг моддий базаси ҳам ривожланган. Республиканинг суғориладиган ер майдони собиқ СССР суғориладиган ерининг тахминан 5 дан бир қисмини ташкил этади.

Ўзбекистоннинг энг асосий бойлиги бу одамлардир. Ҳозир Ўзбекистонда 23 миллион киши яшайди. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистоннинг асосан меҳнатта қобилиятли барча аҳолиси зарур даражада маълумотта эга.

Халқимизнинг ўтмишидаги бой маънавий, фалсафий—ахлоқий таълимотлари бизнинг келажак давлатимиз учун қудратли озуқа ҳисобланади.

Энг асосийси Ўзбекистонда халқ томонидан қўллаб-қувватлайдиган ҳолда сиёсий барқарорлик ва миллий иноқлик йўли қатъиян ва изчиллик билан амалга оширилаётир.

Шундай қилиб Ўзбекистоннинг келажаги буюк давлат бўлиши учун сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий асослар етарли даражада бисёрдир.

САВОЛ: *Ўзбекистонда давлат бошқару-
внинг Президентлик Республика усули жо-
рий этилди. Унинг моҳияти ва афзаллиги
нимадан иборат?*

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонимизда давлат бошқарувининг Президентлик Республика усули жорий қилинди. Бундай усулнинг ўзига хос томонлари қуйидагилардан иборат: Биринчидан, Конституцияга мувофиқ Ўзбекистонда давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи Президент ҳисобланади. Айни вақтда у Вазирлар Маҳкамасининг раиси ҳам ҳисобланади. Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти республика фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Шу сабабли у Олий Мажлисга бевосита буйсунмайди. Лекин ҳар йили ички ва халқаро аҳвол хусусида Олий Мажлисга маълумотнома тақдим этади.

Бундан ташқари ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади. Президентнинг муҳим вазифаларидан бири республика олий ҳокимияти ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органлари Президент томонидан тузилади ёки тугатилади.

Бош Вазир, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари Президент томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади. Кейинчалик бу масалалар тўғрисидаги фармонларни Олий Мажлис тасдиғига киритади. Учинчидан, вилоятлар ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокими Президент томонидан

тайинланди ва зарур бўлса уларни ўз лавозимидан бўшатади.

Бундан ташқари, агар Олий Мажлис Конституцияга зид қарорлар қабул қилган тақдирда, Президент Конституциявий суд билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида Олий Мажлисни тарқатиб юбориши мумкин.

Умуман, Ўзбекистон Республикаси Президентига кенг ҳуқуқлар берилишининг аҳамияти миллий давлатчилигимизни шакллантиришда, бошқарув усулини яхшилашда яққол сезилмоқда. Айниқса, бошқарув органларида ишлаётган кадрлар масъулиятининг кескин ошишига ижобий таъсир қилмоқда.

Бу республикамызда иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий барқарорликни таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бундай Президентлик бошқарувининг нақадар тўғри ва самарали эканлигини кундалик турмушнинг ўзи исбот қилмоқда.

САВОЛ: Мустақиллик туфайли жойларда ўз-ўзини бошқаришнинг янги тизими вужудга келди, шулардан бири идора этишнинг ҳокимлик тизимидир. Улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб қандай ваколатларга тааллуқли масалаларни бажарадилар?

Фуқаролик жамиятининг маъноси шундан иборатки, унда давлатчилигимиз ривожлана борган сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита халққа топшириш, яъни ўзини-ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш амалга ошади.

Ўзини-ўзи бошқариш тушунчаси жамият ишларига раҳбарлик қилишнинг шундай тизими билан боғлиқки, бунда кишилар ўз фаолиятининг асосий масалаларини ўзлари ҳал этадилар, ўзлари учун мажбурий бўлган хуқ-а-твор қоидаларини ўзлари ишлаб чиқадилар ва қабул қиладилар ҳамда уларга риоя этадилар. Майда ишлаб чиқарувчиларнинг ўз мулки, ўз цехи, шаҳар ёки қишлоқ жамоасини ўзи мустақил идора этиш эҳтиёжининг ифодаси сифатида ўз-ўзини бошқариш ўтмишда ҳам Ўзбекистонда яхши ривожланган.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда ўтмишда синалган анъанавий бошқарув идоралари — ҳокимликлар қайта тикланди. Уларнинг фаолияти ва ислоҳотларни қўллаб-қувватлаётган ижтимоий кучлар мавжудлиги туфайли мамлакатимизда сиёсий ва иқтисодий барқарорлик сақланиб турибди.

Ҳозирги муайян ҳуқуқларга эга бўлган маҳаллий вакилик ҳокимияти — халқ депутатлари кенгашларига, шунингдек ижроия ҳокимиятига вилоят, туман, шаҳар ҳокимиятлари раҳбарлик қилади. Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуларда маҳаллий ҳокимият ўз-ўзини бошқариш органлари шаклида амалга оширилмоқда. Фуқароларнинг бундай йиғинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг маҳаллий давлат ҳокимияти асослари деб номланган XXI бобининг 100-моддасида маҳаллий ҳокимият ваколатларига тааллуқли

масалалар батафсил тарифлаб берилган, булар:

қонунчиликни, ҳуқуқ-тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш;

маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йигинларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш;

маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

фуқаролик ҳолати қайд этишни таъминлаш.

Норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга оширишдир.

Жамиятимиз ривожлана борган сари меҳнаткашларнинг ўз-ўзини бошқаришдаги роли янада ортиб боради.

Фуқаролик жамиятида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари умуммиллий манфаатларга дахлдор энг муҳим вазифаларнигина амалга оширади. Мудофаа, давлат хавфсизлиги, ташқи сиёсат, пул-молия ва солиқ тизими-ни шакллантириши, қонунчиликни ривожлантириш шулар жумласидандир. Давлат ҳокимиятининг бошқа барча функциялари фуқароларнинг жойлардаги ўз-ўзини бошқарув органлари ихтиёрига топширилади.

САВОЛ: *Фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат, демократик давлат, инсонпарвар давлат тушунчалари ўртасида фарқлар борми, бўлса уларни тушунтириб берсангиз?*

Фуқаролик жамияти — эркинлик, озодлик, тенглик, ижтимоий адолат жамиятидир. Инсон манфаати учун хизмат қилиш, турмуш фаровонлигини таъминлаш, унинг қобилияти, таланти ва истеъдодини рўёбга чиқариш ниятлари, орзу-армонларини амалга ошириш фуқаролик жамиятининг олий мақсадидир. Фуқаролик жамияти инсонпарварлик жамияти бўлиб Ўзбекистон ҳудудида тугилиб ўсган, миллати ва ирқидан қатъи назар, ҳар бир фуқарони қонун йўли билан ҳимоя қилади, уларнинг манфаатларини қўллаб-қувватлайди.

Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси. Биринчидан, ўз тақдирини ўзи белгилайдиган, умумбашарий қадриятлар устиворлигига асосланган, инсонпарварлик қоидаларини тан олган демократик давлатдир. Иккинчидан, фуқаролар осойишталиги ва миллий тотувликни таъминлашни ўзи учун мақсад қилиб қўйган тинчликсевар давлатдир. Учинчидан, ўзбек халқининг бой ижтимоий-маънавий меросига, миллий, маданий-маънавий удуи ва анъаналарига таяниб иш кўрадиган инсонпарвар давлатдир. Тўртинчидан, ҳозир ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни чуқур англаб ва ҳис қилиб фаол ички ва ташқи сиёсат олиб бораётган давлатдир. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда қарор топётган давлат — бу демократик ҳуқуқий давлатдир.

Демак, фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат, демократик давлат, инсонпарварлик давлати тушгунчалари ўртасида мустаҳкам, мантиқан бир-бири билан чамбарчас боғланган қатъий бир маъно борки, булар биз барпо этмоқчи бўлган ижтимоий адолат жамиятининг асосини ташкил этади.

САВОЛ: *Ўз-ўзини бошқариш нима? Нима учун ўз-ўзини бошқариш гоёси айни бутун биринчи ўринга қўйилмоқда?*

Жамиятни сиёсий ва маънавий жиҳатлардан янгилаш демократизмни, халқнинг чинакам ва тўла ҳокимияти имкониятларининг барча шакларини қатъият билан чуқурлаштиришни талаб этади.

Давлат мустақиллиги туфайли республика-мизда халқнинг ўз-ўзини кенг бошқаруви учун катта истиқболлар очилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг “Сиёсий ҳуқуқлар” деб номланган бобининг 32-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади”, — дейилган.

Ўз-ўзини бошқаришнинг маъноси меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларидаги муҳим масалалари бўйича қарорлар ишлаб чиқиш, уларни муҳокама этиш, қабул қилиш ва амалга оширишда иштирок этишларидан иборатдир.

Мустақиллик шароитида ўз-ўзини бошқариш халқнинг яратувчилик қудратини оширади, унинг жамият ва давлат олдидаги масъулиятини кучайтиради.

Ўз-ўзини бошқариш миллий истиқлолимиз мустақамланишидан, фан ва техника, адабиёт ва санъатнинг тўхтовсиз ривожланиши, миллий тил, миллий маданият, миллий урф-одат ва анъаналар, миллий онг ва миллий руҳият, миллий қадриятлар юксалиб боришидан кенг халқ оммаси манфаатдорлигини оширади.

Ўз эркига эга бўлган, ўз тақдирини ўзи ҳал этадиган, қарамликдан қутулган жамият фуқароси ўзини энг бахтли инсон деб билиб ва чуқур ҳис этиб, ҳар қандай мураккаб ва масъулиятли ишларни ҳам буюк жасорат билан қилади. Ана шундай пайтларда у тарихни яратадиган ва ҳаракатта келтирадиган буюк мўъжизакор кучга айланди.

САВОЛ: Кўппартиявийлик — бу демократия нишонасидир дейилади. Ахир кўппартиявийлик баҳслашув, сиёсий ҳокимият учун кураш, тарафкашлик манбаи эмасми? Бу жамият барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмайдими?

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритиб ҳуқуқий демократик давлатни қуриш йўлига киришар экан жамиятимизда юзага келган ҳурфикрлик нишонаси бўлган ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар ва сиёсий партияларнинг ҳам ўзига яраша ўрни бор. Мустақилликни мустақамлаш, оғир аҳволдан чиқиш учун ҳозирги пайтда оқилона фикрлар, сиёсий,

иктисодий тараққиёт ҳақидаги турлича гоялар керак. Ана шундай гояларни чуқур ва атроф-лича таҳлил қилиш, турлича қарашларни солиштириш ва уларнинг ижобий томонларини уйғунлаштириш орқали мустақиллик муаммоларини ҳал этиш мумкин. Фикрлар хилма-хиллиги ҳар доим янги-янги гояларни келтириб чиқаради, сезгирликни ошириб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга ёрдам беради. Турли фикрлар асосида баҳс-лашув ҳақиқатни билишга олиб келади.

Кўппартиялик — бу у ёки бу мамлакатда амал қилувчи ва давлат бошқарувида иштирок этиш мақсадида ўзаро рақобат қилувчи икки ва ундан ортиқ партиялардир. Агар бирорта партия ҳукумат таркибига кира олмаган тақдирда у мухолифликда бўлиб конституция доирасида ўз қарашларини ҳимоя қилиб расмий ҳокимиятни таъқид қилади. Бошқача сўз билан айтганда, кўппартиялик — ўзига хос тотув янаш бўлиб, унда ҳар бир сиёсий партия маълум даражада умумий манфаатлардан келиб чиқиб ўз йўлини ўтказиши демакдир.

Шу билан бирга кўппартиялик ҳақиқий демократияни қарор топтиришга тўғридан-тўғри олиб келмавермайди. Кўппартиялик — демократик жамият нишонаси. Аммо бу асосий ва бирдан-бир аломат эмас. Дунё ҳамжамияти тарихи шундайларни ҳам кўрганки, кўппартиялик диктатурани ўрнатиш учун ниқоб бўлиб ҳам хизмат қилган. Маълумки, гитлерчилар Германияда ҳокимият тепасига эркин сайловлар асосида келган. Собиқ Иттифоқдаги яқка партия (КПСС) ҳукмрон-

лигига асосланган тоталитар тартибот ҳам шу йўл орқали ўрнатилган.

Вайрон этиш эмас, балки яратувчилик борасида демократиядан эҳтиёткорлик ва жавобгарликни ҳис этган ҳолда фойдаланиш учун тарих бизга сабоқ беради.

Бизнинг кунимизда турли ижтимоий-сиёсий ҳаракат, сиёсий партияларнинг вужудга келиши оддий бир ҳол бўлиб қолди. Аммо уларнинг сони демократиянинг кенг ривожланганлиги аломати эмас. Аксинча, уларнинг ортиқ даражада кўплиги демократиянинг ривожланиши ва жамиятнинг барқарорлигига кўп ҳолларда қарама-қарши таъсир кўрсатади. Келинг бир ўйлаб кўрайлик. Партиялар кўп бўлган тақдирда аҳолининг ҳар қандай демократик ирода ва истакларини ифода этиш (президент, парламент сайлови ёки референдум) овозларнинг бўлинишига, қайта сайловлар ўтказиш заруратини келтириб чиқаради, бунинг учун яна катта маблағ талаб этади. Яна доимий бўлмаган, замини бўш қўшма ҳокимият юзага келади. Бундай ҳолатларни узоққа бормай истеъфога чиқаётган Ғарбий Европа давлатларида кўп учратиш мумкин.

Республикамиз мустақилликка эришиб ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилаб олди. Эндиликда асосий вазифа ана шу мустақилликни сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий жиҳатдан мустаҳкамлаб порлоқ истиқбол сари дадиллик билан боришдан иборатдир. Миллий истиқлол бошлаб берган йўлдан огишмай бориш учун бугун Ўзбекистон тараққиётдан манфаатдор бўлган кучларнинг ҳаммаси мил-

лий бирлик ва ҳамкорлик асосида ҳаракат қилиши, мустақилликни амалий ишлар билан мустаҳкамлашга киришишлари тарихий заруратдир. Бу масалада ўзбек халқининг, Ўзбекистонда яшаётган бошқа халқлар тақдирини уйлаб ва манфаатини кўлаб иш юритишга тўғри келади.

Агар ҳар қандай сиёсий кучлар, ҳаракатларнинг ниятлари республикамиз давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ мураккаб вазифаларни амалга оширишга қаратилган бўлса, унда уларнинг барчасини ўзаро уйғунлаштириш, ўзаро алоқаси ва ҳамкорлигини кучайтириш керак бўлади. Бунинг аксича бўлиб, ҳар бир партия ва ижтимоий ҳаракат сиёсий ҳокимиятни қўлга киритиш ва амал учун курашни авжига миндириб, амалпарастликдан иборат мақсад-муддаоларни биринчи ўринга қўядиган бўлса, бунинг оқибати ниҳоятда даҳшатли бўлиши табиий бир ҳолатдир. Бундай ҳаракатлар доимо халқ бошига кўздан-кўп кулфатлар олиб келиши мумкин, холос.

Жамиятта ёд бўлган хатти-ҳаракатларнинг учун бизнинг республикамизда жой йўқ. Ҳаттоки у қонун йўли билан та-қиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг "Жамоат бирлашмалари" бобининг 57-моддасида шундай дейилган: "Конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ир-

қий ва диний адоватини тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти таъқиқланади”.

САВОЛ: Демократия нима? Дунё демократик давлатлари Конституцияларида бу масала ўзининг қандай ифодасини топган?

Демократия (demos — халқ ва cratos — ҳокимият) — юнонча сўздан олинган бўлиб “халқ ҳокимияти” маъносини англатади. Унинг асосий принциплари халқ ҳокимиятчилиги, тенглик ва шахснинг озодлиги ҳисобланади. Бу принцип ҳамма демократик давлатлар конституцияларида ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасида шундай дейилган: “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир”.

Ғарбий Европа илғор мамлакатларидан бири бўлган Франция Республикаси конституциясининг кириш қисмида (1958й.) шундай ёзилган: “Француз халқи инсон ҳуқуқлари ва миллий мустақиллик принципларига мойил эканлигини тантанали равишда эълон қилади”. “Инсон қадр-қиммати бузилмасдир. Уни ҳурмат қилиш ва ҳимоя қилиш — ҳар бир давлат ҳокимиятининг муқаддас бурчидир” (ГФР Асосий қонунининг биринчи моддаси).

“Давлат ҳокимияти халқнинг мустақкам ишончига асосланади, унинг обрўси халқдан келиб чиқади, унинг ваколати халқ ёрдамида амалга оширилади, унинг фаровонлигидан эса халқ фойдаланади. Бу принцип ҳамма инсо-

ният учун умумийдир” (Япония Конституцияси, кириш қисми). Россия Федерацияси Конституциясида ҳам халқ ҳокимиятчилиги ўз аксини топган. Албатта, ҳаётда буларнинг ҳаммаси назарияда бўлганидек силлиқ кўчавермайди. Амалиёт кўрсатганидек, халқнинг ҳақиқий ҳокимиятини амалга ошириш, давлатнинг фаолияти ва сиёсий қарорларига таъсир кўрсатиш учун жамиятда маълум шарт-шароитларни яратиш лозим. Собиқ Иттифоқ тоталитар бошқарув услубидан қутулиб мустақил, озод жамият қуриш йўлига ўтган мамлакатларда ҳақиқий демократия тантанаси ҳақида гапириш ҳозирча қийин.

САВОЛ: Кейинги йилларда шарқона демократия ҳақида гапирилмоқда. Айтингни, шарқона демократиянинг моҳияти нимада?

Демократия, унинг қонун-қоидалари ва маданияти устида фикр юритганда унинг Ғарбга нисбатан Шарқда фарқ қиладиган жиҳатлари борлигини айтиш керак.

Шуни таъкидлаш жоизки, демократик жараёнлар ғарбда кўпроқ қонун устиворлигига асосланган, Шарқда бу жараён асрлар давомида шакланган анъаналар асосида кечади. Ғарб намунаси кўп ҳолларда индивидуализм фалсафасига таянган ва омманинг ҳаддан ташқари сиёсатлаштирилишига олиб келган бўлса, Шарқда демократия тушунчаси ҳамжиҳатлик гоёси, жамоачилик фикрининг устиворлиги заминида шаклланади. “Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шакланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Буни асло назардан қочириб бўлмайди.

Яъни Шарқда демократик жараёнлар узвий равишда ва аста-секин тараққий топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар яшашга ури-нишлар гоят нохуш, ҳаттоки фожиали нати-жаларга олиб келади. Инқилобни Гарб олимлари ҳам “ижти-мой тараққиётнинг иб-тидоий ва ёввойи шакли” деб атаганлар. Та-бийки, бундай йўл бизга асло тўғри келмай-ди”¹. Гарб тажрибасини Ўзбекистонга кўр-кўрона татбиқ этиб бўл-майди.

САВОЛ: Ҳуқуқий давлатда диннинг ўрни қандай? Биз қураётган жамиятда давлат ва дин муносабатлари қандай асосда қурилиши керак?

Маълумки, дин ижтимоий ҳаётимизда му-ҳим ўрин тутади. Ислом дини халқимизнинг урф-одатларига ва турмуш тарзига чуқур син-гиб кетган. Бу тушунча, бир томондан, дин-нинг халқимизнинг тарихига, миллий мада-ниятига, ахлоқий, ҳуқуқий ҳаётта ва удумла-рига сингиб кетганлигини билдирса, иккинчи томондан, ана шу тарихий жараёнда ислом динининг ўзи ҳам халқлар маданиятининг ажралмас бир таркибий қисмига айланиб кет-ганлигини аңглатади. Шунинг учун ўтмишда ҳарқандай йўллар билан динга барҳам бериш сиёсатини ўтказиб келинганлиги тамомла асоссиз эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. 70 йил мобайнида динга қарши олиб борилган кураш халқнинг тарихий қадриятларига, ма-даниятига ва маънавий меросига жиддий за-рар етказгани ҳеч кимга сир эмас. Мустақил-

¹ “Халқ сўзи” 1995 й, 24 февраль

лик ана шундай диний чекланишларга барҳам берди.

Ўзбекистон давлати диний давлат эмас, балки дунёвий давлатдир. Дунёвий давлатга томон тараққиёт жараёнида жамият қонунлари ва ҳуқуқ нормаларидан, фан-техника, маданият ютуқлари ва умуминсоний қадриятлардан тўла фойдаланилади.

Дунёвий давлат тараққиётида диний гоялар муҳим ўрин тутди. Диний қарашлар ва жамиятдаги бошқа гоявий қарашлар, маънавий йўналишлар билан бир қаторда ҳалоллик, тинчлик, осойишталик, фаровонликни таъминлашга хизмат қилиши мумкин.

Ҳар қандай дин сингари ислом дини ҳам бу эътиқод, иймон, лекин сиёсат эмас. Динни сиёсатга айлантириш ислом дини моқиятига тўғри келмайди. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида халққа берилган диний эркинликлардан ғаразли сиёсий мақсадларда фойдаланишга уринишлар бўлди, аммо уларнинг умри узоққа бормади. Сохта обрў, сохта шон-шухрат орттириш учун инсонларнинг диний нафсонияти билан ўйнашиб бўлмайди. Кимки ислом динини қурол қилиб олиб, ҳокимият учун курашса, мамлакат хароб бўлиб, халқ қонини тўкса, бундай шахс эътиқодсиздир. Диннинг сиёсий ҳокимиятга ҳеч қандай алоқаси йўқ. У ҳеч қачон сиёсат майдонига чиқиб ҳокимият учун курашмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 61- моддасида "Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бир-

лашмаларнинг фаолиятига аралашмайди" дейилади. Очиқчасига айтганда давлатнинг иши — давлатники, диннинг иши — динники бўлиши керак ва бу масалада муносабатлар ўзаро ҳур-мат ва ишонч асосида қурилиши энг мақбул йўлдир.

САВОЛ: Ҳозирги вақтда "демократияни ўрганиш" зарурияти тўғрисида кўп гапиришяпти ва ёзишяпти. Бу вазифа кўпчиликка тушунарли эмас. Буни қандай амалга ошириш мумкин?

— "Демократияни ўрганиш" — ана шу ифоданинг ўзининг маъносида ҳам билиниб турибдики, инсонни энг аввалидан жамият ҳаётида фаол қатнашишига тайёрлаб бориш керак.

Бинобарин, бу ишни болаликдан бошлаш лозим. Бу борада эса, очигини айтганда, аҳвол кўнгилдагидай эмаслигини эътироф қилиш керак. Аввало бу умумий ва ҳунар таълими мактабларига, болалар ва ёшлар ташкилотларига тааллуқлидир. Афсуски, маориф тизимида демократия ва ўз-ўзини бошқариш ҳали яхши ривожланмаган, кўп ҳолларда эса росмангина мавжуд. Жамият, тарбия тизими бу камчиликдан фақат зарар кўряпти холос.

Шу нарса аёнки, кишилар барча муҳим масалаларни мустақил равишда идрок қилиш ва жамоа тарзида ҳал этиш лаёқатини болаликдан эгаллаб олишлари керак. Маорифни ислоҳ қилиш иши аввало ана шу йўналишда қанчалик тезроқ олға силжиса, ёш авлод ривожланаётган демократия шароитида ишлаб чиқариш, давлат ва ижтимоий ҳаётда қатна-

шишга шунча пухта тайёрланган бўлади. Бу эса инсон омилининг кучайиб бораётган фаоллигини янада ошириш мустақкам заминга эга бўлади, демакдир.

Ҳар бир шахс жамиятимизнинг қонунқоидаларини, ҳуқуқий номаларимизни, мустақиллик талаблари, жамоатчилик фикрини, миллий ва умуминсоний қадриятлар моҳиятини чуқур англаб етса у шунчалар унумли равишда ижтимоий тараққиётга, инсонпарварликка, ҳамма соҳаларда ижтимоий адолат тантанасига хизмат қилган, халқнинг тўқ, фаровон яшаши, ҳамма ерда тинчлик, дўстлик, тотувлик, осойишталик бўлишини таъминлаган бўлади.

Демократия чуқурлашиб, ўз-ўзини бошқариш ривожланиб бораётган шароитда барчадан ва ҳар бир кишидан ўзига нисбатан ҳам кўпроқ эътибор бериши — кўпроқ мустақил, ўз-ўзини танқид руҳида иш кўриши, ўзини ўзи камолотга етказишга интилиши талаб қилинади.

Албатта, демократияни ўрганиш — қийин ва узоқ давом этадиган жараён. Демократик муассасаларга ҳали жамиятимизда мустақкам ўрнашиб олиш, демократик тартиботлар ишининг самарадорлигини таъминлайдиган қуйи ва юқори томонлар ўртасида бирикувни таъминлаш лозим. Буларнинг ҳаммаси кўп миқдорда куч-ҳаракат, вақт ва тажриба тўплашни талаб этади. Лекин иложи борица тезроқ асосий сабоқни ўзлаштириб олиш муҳимдир. Демократик концепцияларга баҳо беришда Инсоннинг бахт-саодати, унинг ҳуқуқларини

ҳимоя қилишнинг мукамал тизими ҳал қилувчи мезон бўлиб, булар “Инсон ҳуқуқлари умумий декларацияси”да ўз ифодасини топган. Ана шу мезонлар ҳар биримиз амалий ҳаётимизнинг асосига айланиши керак.

САВОЛ: Демократиялаш ва ошкоралик бир-бири билан уйғун боғланган дейишадими. Ошкоралик нима, унинг моҳияти қандай?

Ошкораликка чексиз равишда таъриф бериш мумкин. Ошкоралик шакл-шубҳасиз, кишилар яшаб турган олам ҳақида уларга маълумот бериш тадбири ва жараёнидир. Мана бу қонидани ҳам қўллаш мумкин: Ошкоралик — бу жамоатчилик фикрининг ҳолати ва уни шакллантириш усулидир. Ошкоралик — жамиятни бошқариш қуроли, воситасидир. Шу билан бирга бу раҳбар билан қўл остидагилар ўртасидаги, марказ билан жойлар, сиёсий раҳбар билан омма ўртасидаги қарши алоқаларнинг ифодаланиши ҳамдир. Аммо, ҳар қалай, ошкоралик — бу сиёсатдир, деб таърифлаш ҳаммадан кўра аниқроқ бўлса керак. Чунки ошкоралик бўлмаса демократия ҳам, меҳнаткашларнинг бошқаришда, сиёсий ижодиётда амалда қатнашиши ҳам бўлмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Бу раҳбарликнинг миллион-миллион оммага таъсир ўтказиш усули бўлиб, ана шу миллионлаб оммани онгли фаолиятга, халқ дастури сифатида қабул қилинган мақсадларни амалга ошириш учун курашга аниқ йўналтириш имконини беради.

Ошкоралик ижтимоий ўз-ўзини бошқариш ва назорат қилишнинг самарали усулидир.

Ниҳоят, ошкоралик кадрларимизнинг ўзини-ўзи камолотга етказиш, уларни тарбиялаш, уларга кенгайиб бораётган демократия шароитида яшаш ва ишлаш маҳоратини ўргатишнинг жиддий омили деб ҳам тушуниш мумкин.

Ўз вақтида қилинган объектив, ошкора ва аниқ танқид, ўзининг жамоа, минглаб кишилар назорати остида эканлигин тушуниб етиш ҳар қандай раҳбарни ана шу назорат орқали ўзини доимий равишда текшириб боришга, халқнинг қандай баҳолашини кўз олдига келтирган ҳолда ўзининг ҳар бир қадамини билиб босишга, ҳар бир ишини ўйлаб қилишга даъват этади.

*САВОЛ: Мамлакатда амалга ошири-
лаётган туб ислоҳотлар жараёни вақти келиб орқага бурилиб кетмаслигининг реал кафолатлари борми?*

Бизнинг ўз ҳаракатларимиз ва ишларимиз, бизнинг ижтимоий хулқимиз жамиятни янгилаш гояларининг исботланиши ва ривожланишининг бирдан-бир кафолатидир. Ижтимоий муносабатларни эркинлаштириш, озод қилиш, покланиш, такомиллаштириш — қаердадир “дёнғиз ортида” ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинишини кутиб турган товар эмас, биз учун янги жамият куришни амалга оширадиган “саҳоватпешалар”ни чақирадиган жой ҳам йўқ. Янги жамият тақдирини халқнинг ўзи, уни ташкил этувчи барча ижтимоий гуруҳларнинг онгли фаолиятигина ҳал қилади.

Бунинг маъноси шуки, бизнинг фаолиятимиз муваффақиятини таъминловчи қандайдир

“ташқи” автоматик кафолатлар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Аммо “ички” кафолотларни вужудга келтириш мумкин. Халқнинг ижтимоий-сиёсий ривожланишини тезлаштириш, жамиятни тубдан янгилаш учун бошланган ишларни узил-кесил галабагача олиб боришга тайёр бўлган кишилар даврасини кенгайтириш лозим. Шундай даражага эришиш керакки, жамиятнинг ҳар бир фуқароси шу жамият учун фидоийлик билан куйиб-ёниб элим деб, юртим деб яшайдиган бўлсин. Жамиятимизни янада ривожлантириш жараёнида шундай бурилиш палласи бўлиши мумкинки, унда эски тартиботларга қайтиш маъносиз бўлиб қолади, халқ эски тартиботларга қайтишга йўл қўймайди.

ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИК — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

САВОЛ: *У ёки бу суверен давлатнинг иқтисодий мустақиллигини қандай тушуниш мумкин ва уни қандай таърифлаш керак?*

Энг аввало ҳар қандай давлат ёки мамлакат иқтисодий мустақил бўлиши учун унинг иқтисодиёти, ҳужалиги бошқа мамлакатлар иқтисодиётига қарамликдан холи бўлиши, энг муҳим озиқ-овқат, истеъмол моллари, стратегик хом ашёлар билан ўзини-ўзи, асосан, таъминлаши керак. Шунингдек, ижобий (мусбат) ташқи савдо балансига эга бўлиши лозим. Жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб обрўли ўринни эгаллаши, бошқа мамлакатларни ўзининг ички ишларига, иқтисодиётига

ҳар қандай гаразли тазйиқ ўтказишига имкон бермайдиган иқтисодий, илмий-техникавий ва маънавий салоҳиятга эга бўлиши керак. Ва ниҳоят, иқтисодий мустақил давлат бошқа давлатлар билан тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли ва шериклик асосида битимлар тузишнинг иқтисодий жиҳатдан кафолатланганлигини ифодалайди.

Иқтисодий мустақиллик том маънода сиёсий мустақилликнинг моддий асосини ташкил қиладик, сиёсат — иқтисодиётнинг иниъикосидир.

САВОЛ: *Ўзбекистонда иқтисодий мустақиллик мезонлари ва уларга эришиш йўллари қандай?*

Биринчидан, хўжаликнинг таркибий тизимини тубдан ўзгартириб, миллий иқтисодиётни барпо этиб, жадал суръатлар билан ривожланишга эришиш керак. Бунинг учун ишлаб чиқаришнинг барча турларини, айниқса, шахсий ва хусусий тадбиркорликни, кичик ва ўрта корхоналарни шаҳар, айниқса, қишлоқ жойларида ўстиришга эришиш лозим.

Иккинчидан, миллий бозор иқтисодиётига мос тушадиган пул-кредит ва молия тизимини яратиб, уни такомиллаштириш зарур. Миллий валюта — мустақиллик рамзидир.

Учинчидан, иқтисодий мустақилликка эришиш учун иқтисодиётимиз ташқи дунёга, жаҳон бозорига қаратилган очиқ ва эркин бўлиши керак.

Истиқлолимизнинг 2–3 йилларида Ўзбекистон суверен ва мустақил давлат сифатида ўзининг Конституциясини қабул қилди, давлат

байроғини, гербини тасдиқлади, ўзининг мадҳиясини яратди. Бироқ Ўзбекистон суверен давлат тариқасида иқтисодий мустақилликка тўла-тўқис эриша олдими? Иқтисодий мустақилликка эришиш — унинг ҳуқуқий жиҳатларини ишлаб чиқиш, халқаро муносабатлар талабларига мос келтириш ва айниқса, фан-техника, меҳнат салоҳиятини юксалтириш, ниҳоятда мураккаб, ҳамда масъулиятли жараёндир. Энг муҳими бу йўналишдаги улкан яратувчанлик ишлари катта сармояларни ва анча-мунча вақтни талаб қилади.

Иқтисодий мустақилликка эришиш учун, энг аввало, мамлакатимизда мавжуд бўлган барча ишлаб чиқариш қуввати ва ресурслар имкониятидан тўла ва самарали фойдаланиш зарур, яъни халқнинг озиқ-овқатта, кийим-бошга, турар жойга бўлган талабларини асосан ўзимизнинг кучимизга таяниб таъминлашга эришиш керак. Бу Борада кейинги йилларда Ўзбекистонда Президент И. Каримов раҳбарлигида галла, нефт-газ маҳсулотлари ва электр энергияси билан таъминлашда оламшумул, кенг кўламда аниқ тадбир-чоралар амалга оширилди ва фахрланса арзийдиган натижаларга эришилди. Зўр ифтихор билан таъкидлаш зарурки, суверен Ўзбекистон Республикаси миллий истиқлол ва мустақиллик йўлидан шахдам қадамлар билан илгарилаб, мамлакатимизда иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ислохотларни чуқурлаштириб, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти-нинг ҳуқуқий ва моддий-техникавий асосларини яратиб, янги демократик давлат ва фуқаролик

жамият қуришда оламшумул натижаларга эришди. Бозор муносабатлари муҳити шаклланди, кўп укладли иқтисодиёт самарали фаолият юритмоқда, мамлакатда сиёсий ва ижтимоий барқарорлик ҳукм сурмоқда.

САВОЛ: *Иқтисодий мустақиллик билан иқтисодий қарамликнинг асосий белгилари қандай намоён бўлади?*

Иқтисодий мустақиллик, иқтисодий қарамлик, иқтисодий эркинлик каби бир-бири билан боғлиқ ва бир-бирига зид тушунчалар борки, буларнинг ҳар бирининг ўз мазмуни, моҳияти ва оқибати бор. Масалан, иқтисодий мустақил бўлган давлатнинг иқтисодиёти эркин ривожланади ва аксинча, иқтисодий қарамликда бўлган (мустамлака, ярим мустамлака) мамлакатларнинг иқтисодиёти эркин бўла олмайдди. Иқтисодий қарамлик шароитидаги иқтисодий интеграция, асосан, марказнинг манфаатларини кўзлаб амалга оширилган, мамлакатимизни нафақат собиқ ССРС империясининг, балки жаҳон социалистик тизимининг хом ашё базасига айлантириб қўйган эди. Масалан, сугориладиган ва серҳосил деҳқончилик тизимига эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг галлага бўлган эҳтиёжининг атиги 24 фоизини ўзи ишлаб чиқарган, ил-газламага бўлган эҳтиёжининг салкам ярмини, нефт-газ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжининг учдан бирини таъминлаган ва ҳоказо.

Ҳозирга келиб аҳвол бутунлай ўзгарди. Ҳаммамиз биламизки, Ўзбекистон шу йилнинг ўзида галла етиштиришда, нефт-газ маҳсу-

лотларини ишлаб чиқаришда ўзининг му-
стақиллигини асосан таъминлади.

САВОЛ: *Иқтисодий мустақиллик билан
иқтисодий интеграция жараёнлари бир-би-
рини инкор этмайдими, улар бир-бирларига
зида эмасми?*

Иқтисодий интеграция ниқоби остида бу-
гунги кунда мустақил ва суверен давлатларни
ҳамда уларнинг халқларини ўтмишга қайта-
риш, тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик ти-
зимини ва коммунистик мафкурани қайта
тиклашга қаратилган ташаббуслар ва инти-
лишлар жуда хавфлидир.

Ҳақиқий иқтисодий интеграция тенг
ҳуқуқлилиқ асосида ва ўзаро фойдали бўли-
ши, ҳар бири ўз кучи ва имкониятига таяна-
диган ҳамда халқаро эътироф этилган норма-
ларга (меъёрларга) мувофиқ шахсий ва уму-
мий манфаатлар йўлида бошқа мамлакатлар
билан ихтиёрий ҳамкорлик қиладиган давлат-
ларнинг мустақиллиги, суверенитети ва эр-
кинлигини камситмаслиги лозим.

Ўзбекистон ўз суверенитетини сақлаган
ҳолда иқтисодий интеграцияни турли даража-
да қуйидаги беш принципга асосан амалга
оширишга тайёр. Президентимиз И. Каримов
таърифлаганларидек:

Биринчидан, интеграцияга ихтиёрий
қўшилиш, бунда давлат мустақиллиги тўла
сақланиб қолиши зарур;

Иккинчидан, ҳар бир мамлакатда ўткази-
лаётган ислоҳотлар бир йўналишда ва бир-
бирига монанд бўлиши лозим...;

Учинчидан, ҳар бир давлат энг аввало, ўз салоҳиятига суяниши лозим. Интеграция ва кооперация жараёнларини чуқурлаштиришдан барча, аввало, ўзаро бир-биридан манфаатдор бўлиши керак. Боқимандалик кайфиятининг барча кўринишларига, бировнинг ҳисобидан бошқаларнинг муаммосини ҳал этиш ниятларига барҳам берилиши шарт;

Туртинчидан, интеграция жараёнларини сунъий равишда жадаллаштиришга йўл қўйиб бўлмайди. Интеграция шунчаки интеграция учун эмас, ўзини кўрсатиш, популистик ва бошқа сиёсий мақсадлар учунгина эмас, энг аввало, ҳар бир халқнинг фаровонлиги учун амалга оширилиши лозим;

Бешинчидан, интеграция жараёнларига мафкуравий тус бериш оқибатида давлатлар устидан қуриладиган парламентлараро, ҳукуматлараро қўшма тузилмаларни ташкил этиш, бу жараённи иқтисодий алоқаларнинг холисона амалга оширилишига зуғум қилиш мутлақо номақбулдир.

Аравани оддан олдин қўйиб бўлмаганидек, сиёсатни ҳам иқтисодиётдан олдинги қўйиб бўлмайди.

САВОЛ: Куп ҳолларда, айниқса, собиқ СССР даврида иттифоқдош республикаларнинг иқтисодий қарамлигини беркитувчи сиёсий, илмий ва иқтисодий тушунчалар ишлатилган. Шулардан қайси бирлари аслида иқтисодий қарамликни беркитишга қаратилган?

Дарҳақиқат, собиқ СССР таркибида қанча республика бўлган бўлса, (аввал 16 та, охириги

вақтда 15 та), ҳар бири ўзининг расман Конституциясига, давлат байроғига, давлат тамгасига ва мадҳиясига эга бўлган. Уларни ажратиб турадиган чегаралари ҳам аниқ бўлган. Бироқ буларнинг ҳаммаси хўжакурсияга, СССРнинг зўравон империя эканлигини беркитишга қаратилган ва хизмат қилган. Аслида ҳар бир "иттифоқдош республика" ери, суви, қазилма бойликлари, меҳнаткаш халқи марказ учун хизмат қилган. Масалан, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган соф олтиннинг 100 фоизи, уран ва бошқа нодир металлarning охирги граммигача, пахта толасининг 96 фоизи зўравонлик билан, ҳеч кимдан сўрамасдан марказга (Россияга) олиб кетилган. Бундай зўравонликни беркитиш учун қуйидаги сиёсий ниқоблар (тушунчалар) ишлатилган:

— Ўзбекистоннинг умумиттифоқ меҳнат тақсимида тутган ўрни;

— СССР нинг асосий пахта етиштирувчи базаси, деб таърифланиши;

— СССР нинг ягона халқ хўжалик комплексида Ўзбекистон иқтисодийётининг ихтисосланиши;

— СССР нинг миллий республикаларга "бегараз" молиявий ёрдамлари, дастлаб иттифоқ бюджетидан дотация, деб атадилар, сўнгра субсидия, деб кўрдилар, охирги вақтда "субвенция" деб таърифладилар. Бироқ ҳар қанча номларини ўзгартирмасинлар, уларнинг моҳияти битта — Ўзбекистонни иқтисодий (молиявий) қарамликда ушлаб туриш эди.

Ғапимизни тасдиқлаш учун бир мисол келтириш kifоя: 1990 йилда СССР давлат бюд-

жетидан Ўзбекистондан сув — текинга олиб чиқиб кетилган пахта “харажатларининг ўрнини қоплаш” учун 8,0 млрд. рубл субвенция берилган эди, холос.

САВОЛ: *Иқтисодий қарамликнинг асосий белгилари қандай бўлган?*

Энг аввало, марказнинг рухсатисиз бирон-бир корхонани қуриш мумкин бўлмаган. Масалан, қурилиш қиймати бир миллион рублгача бўлган капитал қурилишларни Титул (номма-ном) рўйхатига марказнинг рухсатисиз кiritиб бўлмас эди. Соддароқ қилиб айтадиган бўлсак “Ягона халқ хўжалик режаси”га кирмаган оддий бир гишт заводиними, тикув-йигирув фабрикасиними СССР Давлат Режа қўмитасининг рухсатисиз қуриш мумкин бўлмаган!

Иккинчидан, Ўзбекистон ҳудудида ишлаб чиқарилган барча моддий маҳсулотларни тақсимлаш ва улардан фойдаланиш, биринчи гада, марказнинг манфаатларига бўйсундирилган, қолдиқлари маҳаллий истеъмол учун сарфланган.

Ва ниҳоят, Ўзбекистон бошқа Иттифоқдош республикалар сингари ўзи мустақил равишда жаҳон бозорига чиқиши мумкин бўлмаган, чунки экспорт-импорт (ташқи савдо-сотиқ) СССР нинг ягона давлат сифатида монополияси бўлган. Ўзбекистон биронта халқаро сиёсий, иқтисодий ташкилотларга, уюшмаларга аъзо бўлиш ҳуқуқига эга бўлмаган, ҳатто чегарадош мамлакатлар билан ҳам ўзи мустақил олди-сотти ишларини юргиза олмаган.

Иқтисодий қарамликнинг яна бир муҳим белгиси "Ягона халқ хўжалик тизими" ниқоби остида ўзининг алоҳида молия тизимига, миллий пулига, банклар тизимига эга бўлмаганлигидир. Ўзининг ҳудудида ўзини бегонадек ҳис қилишдан ортиқ қарамлик бўлмаса керак!

САВОЛ: Иқтисодий мустақилликка эришишнинг ҳозирги давраги муаммолари тўғрисида нима дейиш мумкин?

Сиёсий мустақилликка эришиш осон бўлмаганидек, иқтисодий мустақилликни таъминлаш ниҳоятда мураккаб жараён бўлиб, маълум даврни талаб қилади. Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш айнан бир пайтда учта йирик ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш асосида амалга ошмоқда:

- 1) Миллий иқтисодиётни барпо этиш;
- 2) бозор муносабатларини шакллантириш;
- 3) халқаро хўжалик тизими ва жаҳон бозорига кириш.

Миллий иқтисодиётни барпо қилиш — иқтисодий мустақилликка эришишнинг негизи бўлиб, туб таркибий ўзгаришларни тақозо қилади, миллий бойлик, ер ости ва ер усти бойликларига тўла-тўқис ва ҳақиқий эгаллик қилиш, улардан самарали фойдаланишни талаб қилади. Иқтисодий мустақилликка етук ва билимдон, ишбилармон ва тадбиркор мутахассисларсиз эришиб бўлмайди.

Иқтисодий мустақилликка миллий иқтисодиётни ҳар томонлама камолотга етказиш асосида, бозор муносабатларини шакллантириш ва уларнинг амал қилиши учун ҳуқуқий

кафолатлар яратиш, бошқариш механизмини такомиллаштириш, хуллас, туб иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш орқали эришиш мумкин. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов асарларида белгилаб берилган иқтисодий ислохотларнинг иккинчи босқичидаги асосий вазифаларни ва устивор йўналишларни амалга ошириш зарур. Айниқса, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини бир-икки йилда поёнига етказиб, мулкни ҳақиқий эгалари қўлига топшириш асосида иқтисодиётда эркинлик ва рақобат вазиятини юзага келтириш зарур. Иқтисодиётда барқарорлик бўлмаса, давлатнинг молиявий аҳволи (бюджет камомати, давлат қарзи меъёрида бўлмаса), иқтисодий мустақиллик таъминланмайди.

Иқтисодий мустақил давлат ўзининг ички имкониятларига асосланиши ниҳоятда зарурдир.

Миллий мустақилликнинг, шунингдек, иқтисодий мустақилликнинг рамзи — кучли ва қадрли валюта тизимига эга бўлишдир, сўми-миз қадрини ошириш — уни ажнабий валюталарга алмашиш қувватини кучайтиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати мамлакатимизда амалга ошири-лаётган иқтисодий ислохотлар стратегиясида ўз миллий валюта-мизни жорий этиш ва унинг барқарор муомалада бўлиши муаммосини ҳал этишга тоғат катта аҳамият бериб келмоқда, чунки миллий валюта — миллий ифтихор

булибгина қолмай, балки давлатимиз мустақиллигининг рамзи, суверен давлатга хос белгидир. Миллий валюта халқимизнинг миллий бойлиги ва мулкидир.

1994 йил 1 июлидан бошлаб мамлакатимизда миллий пулимизнинг — ягона тўлов воситаси бўлган сўмимизнинг муомалага киритилиши — ҳақиқатан ҳам иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлашда ташланган дадил қадам бўлди.

САВОЛ: *Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш учун аввало қандай тадбирларни амалга ошириш керак?*

Бу савол жуда мураккаб, унга бир оғиз сўз билан жавоб бериш амри маҳол. Маълумки, Ўзбекистон аҳолисининг кўрки, тўкин-сочинлиги ун ва ун маҳсулотлари, энг аввало, ҳаммамиз учун эъзоэ бўлган нон билан. Расмий маълумотларга қараганда, мамлакатимизда жон бошига бир йилда, тахминан, 170-175 кг. ун истеъмол қилинади. Республикаимизнинг дон маҳсулотларига (ғаллага) бўлган талаби 6,5 млн. тоннани ташкил қилади. Бироқ ҳали ҳозиргача ўзимизда етиштирилаётган ғалла бу талабнинг учдан икки қисмига етди. Шунинг учун ҳам Республикаимиз Хукумати юртбошимиз И. Каримов раҳбарлигида Ўзбекистоннинг ғалла бўйича мустақиллигини таъминлашга қаратилган муҳим амалий чораларни кўрмоқда. Масалан, ғалла экин майдонларини кескин кенгайтириш, ғалла ҳосилдорлигини ошириш, ғалла етиштирувчи хўжаликларни ва деҳқонларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш тадбирлари амалга оширилмоқда.

1993 йилда Ўзбекистонда галланинг умумий экин майдони 942 минг гектар бўлган, 1995 йилда 1 млн. 130 минг гектарга етди, мана бу йил эса 1,5 млн. гектардан ошиб кетди. Шулардан сугориладиган галла экин майдони 1993 йилдаги 312 минг гектардан 1995 йилда 828 минг гектарга, 1996 йилда 1 млн. 200 минг гектарга етди. Натижада галла ҳосилдорлиги кескин ошди ва олинадиган ялпи ҳосил, тахминан, 4,0—4,5 млн. тоннага етиб қолди. Мана шу рақамлар Ўзбекистонда галла етиштиришда мустақиллик томон ташланган шахдам қадам ва ёрқин далил бўла олади.

САВОЛ: Иқтисодий мустақилликка эришишдан корхоналар, жамоа хўжаликлари, фирмалар, ҳиссадорлик жамиятлари қандай наф кўради, уларнинг манфаатдорлиги қандай?

Бу саволга жавоб бериш учун биз мамлакатимиз иқтисодиётига хос, пахтачиликнинг ривожланиши билан бевосита боғлиқ бўлган “Тошкент тўқимачилик комбинати” ҳиссадорлик жамияти фаолиятига мурожаат қилдик.

“Тошкент тўқимачилик комбинати” ҳиссадорлик жамиятида бир вақтлар 1985 йилда 30 миңдан кўпроқ ишчи, хизматчи меҳнат қилган, ҳозирги — бозор иқтисодиётига ўтиш вақтида эса, жами 12 миң киши ишлайди. Бу корхона 1932 йилда қурилган бўлиб, Ўзбекистондагина эмас, балки бутун Марказий Осиёда ягона текстил (ип-газлама ишлаб чиқарувчи) корхона ҳисобланган ва ҳозирги даврда ҳам мамлакатимизни тўқимачилик са-

ноати маҳсулотлари билан таъминлашда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Шу ҳиссадорлик жамиятининг бошқаруви раиси М. Узоқов шундай дейди: "... Бозор шароитида иш юритиш ҳеч кимга, жумладан, бизга ҳам осон кўчаётгани йўқ. Мустақиллик шарофати билан бағримизга шамол тегди. Хориж билан иқтисодий алоқаларимиз мустаҳкамланмоқда".

Шу ўринда оддий бир савол туғилади: Мустақиллик корхонага, қолаверса жамоага нима берди? Раис М. Узоқовнинг сўзлари билан жавоб берамиз: "Энг аввало иқтисодий эркинлик берди. Бу — ишлаб чиқариш фаолияти билан шугулланадиган ҳар бир корхона учун беқиёс имкониятдир. Илгари, яъни собиқ совет тузуми шароитида (даврида) барча режалар юқоридан белгиланар, қўл-оёғимиз турли хил кўрсатмалар ва буйруқлар билан "чан-диб" ташланар эди. Меҳнатни биз қилардигу, бошқалар ундан кўпроқ манфаатдор бўларди. Эҳдиликда вазият тамом бошқача. Мустақиллик йилларида бошқарув тизими, иш юритишнинг шакли ва услублари тубдан ўзгарди. Косбинатимиз 1994 йилда очик турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгач, бунинг самарасини ҳар қадамда кўриб турилмиз. Маҳсулот сифати учун ҳамма масъул, зеро, сифатли маҳсулот — юқори даромад демақдир...

Иқтисодий эркинлик тўғрисида ташқи дунёга чиқиш, хорижий ишбилармонлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш имкониятини қўлга киритганлигимиз айни мўддаодир. Чунончи, ҳозир йилга 6 млрд. сўм атрофида

Маҳсулот (чит, сатин, дока, галтакип ва қоказо) ишлаб чиқараётган бўлсак, шунинг бир қисмини чет эллик харидорларга сотаямиз. Ўтган (1995) йилда бу кўрсаткич 1,5 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Ип-газлама маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан Италия, Чехия, Испания, Япония, шунингдек, Россия, Украина, Қозоғистон давлатлари билан икки томонлама манфаатли шартномалар тузди. Бу бизга замонавий янги техника ва технология, юқори қувватли дастгоҳлар сотиб олишда... қўл келаётир... Ўтган беш йил давомида мавжуд 4000 та дастгоҳдан қарийб мингтасини янгилашга муваффақ бўлдик..."¹

Иқтисодий мустақил давлат сифатида Ўзбекистон жаҳон хўжалик тизимига кириб бормоқда, жаҳон бозорларида ўз ўрнини топпоқда, халқаро иқтисодий ташкилотларга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб, ташқи савдо-сотиқ, пул-кредит, сармоялар оқимида дадил ҳаракат қилмоқдаки, бу соҳада Президентимиз И. Каримовнинг жонбозлик кўрсатаётгани ҳар қанча таҳсинга лойиқдир.

"Мустақиллик йиллари очиқ иқтисодиёт бойдворини вужудга келтириш учун зарур сиёсий, ҳуқуқий ва ташкилий негизларни яратилш йиллари бўлди... Мамлакатнинг жаҳон хўжалик алоқаларида, халқаро меҳнат тақсимотида кенг миқёсда иштирок этиши очиқ турдаги иқтисодиётни барпо этишнинг асосидир... Эшикларимиз дунё учун очиқ ва

¹ "Халқ сўзи" газетаси, 1996 йил 28 июн, № 130.

дунё эшиклари ҳам биз учун оч иқ бўлишига ҳаракат қилганимиз”¹.

Ўзбекистон — Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Халқаро молия корпорацияси, Реконструкция ва тараққиёт Европа банки ва бошқа халқаро ташкилотлар аъзоси.

Ҳозирга келиб, хорижий банклар ва фирмалар билан 1,5 млрд. АҚШ доллари миқдори га тенг 32 та ҳукуматлараро кредит битимлари тузилди ва фаолият кўрсатмоқда ва буларнинг сони ва фаолияти кенгайиб бормоқда. Бунинг ёрқин далили — Ўзбекистон Президенти И. Каримов 1996 йил 23—28 июн кунлари АҚШ га қилган сафари чоғида (ОПИК)–АҚШ да хорижий сармояларни ҳимоялаш корпорацияси Ўзбекистон билан энергетика соҳасини қўллаб-қувватлашга қаратилган битим тузди. Бу битимга биноан, Ўзбекистонга 400 миллион & (АҚШ доллари) ажратилиши кўзда тутилган. Бундан ташқари ОПИК иштирокида “Инрен Ойл энд Газ компани” ва “Ўзбекнефтегаз” корпорацияси ўртасида газ конлари заҳираларини аниқлаш ва уларни суғурта қилиш бўйича ОПИК 400 миллион доллар ажратиши ҳақидаги протокол имзоланди².

Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Гуань Хенгуан жаноблари Ўзбекистон тўғрисида гапирар экан, алоҳида таъкидладики, “... бутун

¹ Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида. — Т.: “Ўзбекистон”, 1995, 102, 104, 119-бетлар.

² “Халқ сўзи” газетаси, 1996 йил 3 июль.

юртингизни дунё танимоқда. Меҳнатсевар халқингиз мамлакатингизни жаҳон миқёсидаги обрўйига обрў келтираётир. Биз учун Ўзбекистон — бой маънавиятга эга, жаҳонга кўплаб бутюк гоьлар тақдим этган тинчликсевар мамлакатдир, Ватан мустақиллигини асраб-авайлаш йўлида саъй-ҳаракатлар қилаётган ўзбек халқи билан ҳамкорлик қилиш Хитой учун ҳам манфаатлидир”¹.

САВОЛ: *Иқтисодий мустақилликка эришиш кишиларнинг мафкурасига ва маънавиятга қанчалик боғлиқ?*

Миллий истиқлол ва мустақиллик мафкурасининг негизини ватанпарварлик ҳиссиёти, ватанни севиш, уни ҳимоя қилиш ва қудратини кучайтириш тушунчалари ташкил қилади. Ватанпарвар ўз Ватанини севади, унинг равнақи учун астойдил меҳнат қилади, чунки иқтисодиёти, салоҳияти кучли ва бақувват Ватан мустақил бўлади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизнинг иқтисодий мустақиллигини тўғри тушуниб, уни амалда таъминлаш йўллари, тадбир-чораларини аниқ билиб олиш зарур ва бу тушунчалар ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир ишчи, ҳар бир зиёлининг, ҳар бир ёш авлоднинг турмуш тарзига кириб, уларнинг онгида ва ҳаракатида мустаҳкам ўрин олиши зарур ва амал қилиши керак.

САВОЛ: *Иқтисодий мустақиллик тушунчася қавоий тушунчами ёки унинг илмий-назарий ва амалий аҳамияти борми?*

¹ “Халқ сўзи” газетаси, 1996 йил 29 июнь. № 131.

Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллиги категорияси иқтисодий фанида янги тушунча бўлиб, миллий истиқлол жараёнида ҳаёт тақозоси билан юзага келди. Иқтисодий мустақилликнинг мезонлари ва унга эришиш йўллари бундан буён нафақат иқтисодчи олимларнинг, балки сиёсатчиларнинг, мамлакатимиз раҳбарларининг фикрини ўзига тортади, чунки Ўзбекистоннинг миллий истиқлол ва мустақиллик мафкураси таркибий қисмини унинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш ташкил қилади.

Ҳар қандай давлатнинг, жумладан Ўзбекистон мустақиллигининг турли жиҳатлари ва мезонлари бор:

— ҳудудий — давлат чегараларининг дахлсизлиги;

— сиёсий — ўз Конституциясининг амал қилиши;

— иқтисодий — барча ер ости ва ер усти бойликларига эга бўлишлиги;

— маънавий-мафкуравий — миллий истиқлол ва мустақиллик мафкураси.

Маълумки, ҳудудий ва сиёсий мустақиллик Конституция ёки декларация асосида таъминланади, бироқ иқтисодий мустақилликка, шунингдек маънавий-мафкуравий мустақилликка битта ёки бир нечта ҳужжатлар воситаси билан қисқа вақтда эришиб бўлмайди.

Ўзбекистон ҳозирги даврда миллий истиқлол йўлидан борар экан, Президент И. Каримов белгилаб берган бозор муносабатларига ўтишнинг бешта тамойилини амалга

ошира бориб ўзининг иқтисодий мустақиллигига эришади.

Ҳар қандай давлат иқтисодий мустақил бўлиши учун, энг аввало ўз ҳудудидаги барча ер ости ва ер усти бойликларининг ҳақиқий эгаси бўлиши керак, яъни улардан, аввало, ўзи учун, ўз фуқароларининг фаровонлигини таъминлаш учун фойдаланиш имкониятига амалда эга бўлиши керак; иқтисодиётни юритиш ва бошқаришда ўз услубига тегишли молия, банк тизимига эга бўлиши зарур; четта мол чиқаришдан олинадиган даромад четдан товар олиш учун сарфланадиган харажатдан кўп бўлиши лозим; ўз халқининг қорнини, устини, яъни моддий ва маънавий эҳтиёжларини, асосан, ички имкониятлар ҳисобидан таъминлаш керак. Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистон иқтисодий мустақиллигининг мезонларидаан бири ва муҳими — ўзининг ички кучига, ички ишлаб чиқариш имкониятларига таянишдир. Бироқ иқтисодий мустақиллик — бошқа давлатлардан ажралиш, яққаланиш эмас.

Аксинча. XX аср охири ва XXI аср бошларида фан-техника тараққиёти, халқаро меҳнат тақсироти иқтисодий қамжиҳатликни тақозо қилади. Шунинг учун ҳам иқтисодий мустақил давлат фақат ўз ички кучлари билан чекланиб қолмайди. ўз қобигига беркиниб қолмайди, балки маълум даражада ўз эҳтиёжларини ташқи савдо ва иқтисодий ҳамкорлик (интеграция) ҳисобига қондиради.

САВОЛ: Ўзбекистоннинг желгусида иқтисодий мустақилликка эришишининг қандай кафолаглари мавжуд?

Ўзбекистон миллий истиқлол йўлидан бориб, бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг дастлабки босқичларини босиб ўтмоқда. Ўзбекистоннинг бундан буёнги ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт йўли, мустақил давлатчилик, миллий истиқлол аниқ танлаб олинган, бу йўлдан қайтиш йўқ! Истиқлол ва мустақиллик — бозор иқтисодиётига босқичма-босқич, қатъиятлик билан илгарилаб боришдир.

Иқтисодиётда ва ижтимоий соҳада юз берган туб ўзгаришлар унинг ўз тараққиётида кейинги сифат жиҳатдан янги босқичга ўта бошлаши учун мустаҳкам шарт-шароит ҳозирлади.

Ҳозирда мамлакатимизда 54 мингга яқин корхона ва объект давлат тасарруфидан чиқарилди. Шуларнинг 18,4 мингтаси жусусий мулкка ўтди, 26,1 мингтаси ҳиссадорлик, 8,7 мингтаси жамоа, 0,7 мингтаси ижара корхоналарига айлантирилди.

Бозор иқтисодиётига ўтишининг иккинчи босқичи авж олмақда, ўрта ва йирик корхоналарни ҳиссадорлик корхоналари шаклига айлантириш кенг қулоч ёзмақда, қимматбаҳо қозғалар ташкил топмоқда, рақобатчилик муҳити шаклланмоқда.

Корхоналарнинг 82,7 фоизи мулкчиликнинг давлатга қарашли бўлмаган шаклига мансуб бўлиб, уларда ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлганларнинг 70 фоиздан кўпи

меҳнат қилмоқда ва ялпи саноат маҳсулотининг ярми ишлаб чиқарилмоқда¹.

1996 йилга келиб расман қайд этилган деҳқон (фермер) хўжалиklarининг сони 7,5 мингтадан 19300 тага кўпайди. 1066 давлат хўжалиги мулкнинг ҳиссадорлик, жамоа ва ижара шаклларига айлантирилди, 1500 дан ортиқ фермалар меҳнат жамоаларининг мулки қилиб берилди². Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг дастлабки босқичига хос кўп укладли хўжалик тобора қаддини ростламоқдаки, буни қуйидаги рақамлардан кўриш мумкин:

Ўзбекистон Республикасида нодавлат секторининг улуши (фонд — %-ҳисобида)

Иқтисодиёт тармоқлари	1994 й.	1995 й.	1996 й. июль
Саноат	17	44	50
Қишлоқ хўжалиги	91	97	95
Савдо	82	100	94
Капитал қурилишида	24	40	61
Ялпи миллий маҳсулот	50	60	60
Меҳнатда банд бўлганлар	52	67	70

Бозор иқтисодиётига ўтиш даври давомида асосий вазифа — бутун халқ хўжалиги структурасини (таркибий тузилишини) тубдан ва чуқур қайта қуришдан иборатдир. Шундай бир структурани вужудга келтириш зарурки, бу структура барча ресурсларимизни ҳисобга

¹ "Халқ сўзи", 1996 йил 26 июль.

² "Халқ сўзи", 1996 йил 26 июль.

олиб, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини таъминлаш имконини берсин.

Ишлаб чиқаришнинг хом ашё етиштиришга қаратилган йўналишини бартараф этиш, иқтисодий мустақилликни касфолатлаш учун, аввало қуйидагиларни таъминлаш зарур:

РЕСПУБЛИКАНИНГ ЁНИЛГИ-ЭНЕРГЕТИКА МУСТАҚИЛЛИГИГА ЭРИШИШ — бу борада нефть ишлаб чиқариш 1990 йилдагига қараганда 1995 йилда икки баравардан зиёд кўпайди, газ ва газ-конденсати ишлаб чиқариш кескин кўпайди, суёқ ёнилги сотиб олиш 4,0 миллион тоннадан 750 минг тоннага камайди. Ўзбекистон ёнилгига бўлган эҳтиёжларини эндиликда ўзи тўла таъминлаяпти.

ГАЛЛА МУСТАҚИЛЛИГИ:

1994 йилда 1 миллион 300 минг тонна дон йиғиб олинган бўлса, 1995 йилда 3,0 миллион тоннадан ортиқ дон етиштирилди, 1996 йилда 4,5 миллион тонналик галла хирмони бунёд этиш кутилмоқда.

Юртимизнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашда иқтисодий ислоҳотларни мунтазам равишда амалга оширилиб борилишини ҳал қилувчи омиллардан деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар халқ хўжалигини бошқариш тизимини тубдан янгилашдан тортиб, то молия-кредит муносабатларини, меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни моддий ва маънавий рағбатлантириш усулларини, воситаларини ўзгартиришга қадар, иқтисодиётни инқироздан тўхтатиб, унинг ривожини ҳамда юксалишини таъминлашга қаратилгандир. Шунинг учун ҳам Ҳурматли Президентимиз

Ислом Каримов эндиги вазифа — иқтисодий ислохотларни собитқадамлик билан давом эттириш, йўл қўйилган камчиликларни аниқлаб, баргараф эта бориш, энг муҳими — одамларнинг ислохотларга ишончини сўндирмасликдан иборат эканлигини алоҳида таъкидламоқда.

Комил ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон ўзи танлаб олган, мустақил демократик давлат ва фуқаролик жамиятини, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этишга, жаҳон ҳамжамиятига кириб боришга қаратилган йўлдан ҳеч қачон қайтмайди ва ўз мамлакатининг гуллаб-яшнашини, унинг барча фуқароларининг муносиб турмуш кечиришини таъминлайди.

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ

САВОЛ: Бизга ўрта мактабларда тарихни ўрганишимиз жараёнида ўқитувчилар социализм қурилишининг муҳим бўгинларидан бири маданий соҳадаги инқилоб деб тушунтиришар эди. Мустақиллик шароитида эса янги жамият қуришнинг муҳим пойдевори маънавиятдир деб тушунтиришмоқдалар. Булар ўртасида фарқ борми?

— Савол қўйилиши жиҳатидан ўринли. Тўғри, маданият соҳасида туб ўзгаришни амалга оширмасдан янги жамиятни шакллантириш мумкин эмас.

Маданият соҳасидаги инқилоб олдида турган вазифалардан бири — бу совет жамиятида

социалистик маданиятни ва марксча дунё-қарашни қарор топтириш эди. Тўғри, бу инқилоб амалга оширилиши натижасида Ўрта Осиёда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам аҳоли орасидаги саводсизлик тугатилди, янги типдаги мактаблар очилди, халқ маорифи тизими шаклланди, янги зиёли кадрлар корпуси шаклланди.

Лекин 20—30-йилларда маданий инқилобнинг моҳияти онгли равишда бузилди. Натижада мачит-мадрасаларга ўт қўйилди, эски типдаги мактабларнинг фаолият кўрсатишига рухсат берилмади. Ислом динига қарши очиқдан-очиқ кураш эълон қилинди. Фикрлар эркинлигига йўл қўйилмади. Барча аҳоли онгида марксча дунёқарашни зўрлаб бўлсада, шаклангириш учун кураш бошланди.

Маданий инқилоб шиори остида ўзбек халқининг юзлаб иқтидорли, билимли, истиқлолчи фарзандлари қатагон қилинди. Ўша даврда ҳам виждон эркинлиги ҳақида кўп гапирилдию, лекин амалда мачитлар ёпиб қўйилди, даҳрийгарлик тарғиб этилди. Тўғриси-ни айтганда виждон эркинлиги амалда ўзининг тўлиқ ифодасини топмади.

Умуман олганда, маданий инқилобнинг фойдасига нисбатан зарари кўп бўлди. Яна шуни айтиш керакки, маданий инқилоб ўз моҳияти билан Россиянинг миллий ўлкаларида, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам руслаштириш сиёсатини олиб боришга кўпроқ хизмат қилди десак хато бўлмайди.

Мустақиллик шароитида нима учун маънавият ва ахлоқийликни қайта тиклашга катта

этибор берилмоқда? Сабаби қуйидагилардан иборат: 1) Президентимиз Илом Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Оқ Узебекистон Республикаси тараққиётининг ўз йўналишлари, шарт-шароитларини асослаб берди. Энг муҳими, инсонпарвар ҳуқуқий-демократик давлатни барпо этишнинг муҳим шартлари белгилаб берилди. Янги жамият барпо этишда аҳолининг миллий тарихий турмуш ва тафаккур тарзидан, халқ анъаналари ва урф-одатларидан келиб чиқиш зарурлиги кўрсатиб берилди. Маънавиятимизни тиклаш ва уни ривожлантириш — янги демократик жамият қуришнинг муҳим қонунидир. Акс ҳолда янги жамият барпо этиш мумкин эмас.

2) Президентимиз ўзининг “Ўзебекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”, “Ўзебекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари” номи рисолаларида маънавиятнинг ўз моҳияти билан келажак пойдевори эканлиги атрофлича асослаб берилди.

Ўзебекистонда янги жамият қуриш йўлида маънавият соҳасида қуйидаги вазифалар амалга оширилади.

1) Маънавий ва ахлоқийликни қайта тиклаш;

2) Халқимизнинг миллий маданияти ва ўзига хослигини ифода этувчи восита бўлмиш ўзбек тилини ривожлантириш, бу тилнинг давлат мақомини изчил ва тўлиқ рўёбга чиқариш;

3) Ҳурфикрлик, виждон ва дин эркинлиги қоидаларини қарор топтириш.

Куриниб турибдики, ана шу вазифалар янги жамиятни қуришнинг муҳим шартларига айланади. Шу сабабли ўз маънавиятимизни қайта тиклаб ва уни ривожлангирмай туриб янги жамият қуриш мумкин эмас. Шу сабабли, юксак маънавият келажак пойдевори деб президентимиз бежиз айтмаганлар.

Янги жамият қуриш вазифаси ўз навбатида ҳар бир фуқаронинг мустақиллик тафаккурини кенгроқ тушунишни талаб этмоқда. Бундан ташқари, "... иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланишни маънавий унглаш, маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун бўлишини ис-таймиз. Сиёсатимизни шунга қураммиз ва уни тўла тадбиқ этамиз", — деган эди Президент Ислон Каримов.

Куриниб турибдики, янги жамият қуриш маънавиятни қайта тиклаш ва ривожланишни тақозо этмоқда.

САВОЛ: Миллий мустақиллик мафкураси тўғрисида кўп гапирялмоқда, мақолалар чоп этилмоқда. Лекин мен мафкуранинг моҳияти, хусусиятлари ва негизлари ҳақида яхши тушунчага эга эмасман. Агар иложи бўлса шу ҳақда маълумот берсангиз?

Маълумки, миллий истиқлол мафкурасини яратиш зарурлигини Президентимиз Ислон Каримов биринчи бор 1993 йил апрелда Ўзбекистон ёзувчиларининг бир гуруҳ вакиллари билан қилган мулоқотида айтган эди.

Мустақилликка эришилгандан кейинги ўтган икки йиллик тажриба республикадаги барча фуқароларни уларнинг миллати, сиёсий ва гоёвий қарашларидан, диний эътиқодларидан қатъи назар истиқлол галабаси сари, истиқлолни мустақкамлашга чорловчи гоёлар мажмуасидан иборат ўзига хос миллий мафкура яратиш зарурлигини кўрсатди. Шу сабабли Президентимиз 1993 йил 6—7 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII сессиясида сўзлаган нутқида — “олдимизда турган энг муҳим масала — бу миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётга тадбиқ этишдир” деган эди. Хўш, мафкура тушунчасини қандай тушуниш лозим?

Ҳозирча мафкура тушунчасига 2 хил таъриф берилган:

1. Мафкура — бирон синфнинг, у ёки бу ижтимоий гуруҳ манфаатларини ифода этувчи гоёлар мажмуаси.

2. Мафкура — синфларнинг, ёки айрим ижтимоий гуруҳларнинг ижтимоий вазиятга нисбатан назарий муносабатларининг ўзига хос шакли.

Ўшунинг истиқлол мафкурасининг асосий моҳияти қуйидагилардан иборат:

1) Халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, руҳиятига, тилига, динига мослашиб келажакка ишонч, меҳр-оқибат инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини одамлар онгига сингдириш;

2) Мафкура халқимизда ўзининг қудрати ва ҳимоясига суянган ҳолда, умуминсоний қадриятларга асосланиб, жаҳон ҳамжамия-

тидати илгор давлатлар орасида тенг ҳуқуқли, муносиб ўрин эгалланишига доимий интилиш ҳиссини тарбиялаш;

3) Келажакда соғлом, маънавий бой, комил инсонни шакллантириш учун олиб борилаётган ишларда истиқлол ғоясини одамлар онига синдириш.

Миллий истиқлол мафкураси қатор хусусиятларга эга.

Биринчидан, бу мафкура кўриниши шаклига кўра илмий, прогрессив, миллий ва байналмилал хусусиятларга эга.

Иккинчидан, бу мафкура ўз моҳияти жиҳатидан воқеа ва ҳодисаларни тўғри кўрсатиш хусусиятларига эга бўлади.

Учинчидан, бу миллий мафкура ижтимоий онг даражасида истиқлолни мустаҳкамлашда муҳим ўрин эгаллайди.

Тўртинчидан, бу истиқлол мафкураси собиқ иттифоқ давридагидек, сиёсат юритишнинг давлат қўлидаги қуролига айланмайди, аксинча Конституциямизнинг 12-моддасидан келиб чиқиб, янги жамият қуриш жараёнида ўзининг муносиб ўрнини топади.

Энди миллий истиқлол мафкурасининг негизларига келсак улар қуйидагилардан иборат:

1. Ватанпарварлик.
2. Ўркишлик.
3. Миллий ифтихор ва қадриятлар.
4. Инсонпарварлик.
5. Байналмилаллик.

Демак, миллий истиқлол мафкураси ўз моҳияти, хусусиятлари ва негизларига кўра мустақилликни янада мустаҳкамлашга, Ўзбе-

кистондаги барча имкониятларни буюк мақсад сари йўналтиришга қаратилган. Энг муҳими мафжурадан амалда тўғри фойдалана билишдир.

САВОЛ: *Собиқ Иттифоқнинг энг катта хатоси тарихий шахслар фаолиятини холисона баҳоламаслик бўлди. Масалан соҳибқирон Амир Темур шахсига нисбатан шундай қилинди. Бундан кўзланган мақсад нима?*

Собиқ Иттифоқ даврида жаҳонга Ал-Хоразмий, Ал-Форобий, Абу Али ибн Сино, Амир Темур, Навоий, Бобур каби буюк мутафаккирлари ва саркардалари билан танилган ўзбек халқи тарихига ва маънавий қадриятларига бефарқ қаралди ва ҳатто ўзбек халқи октябрғача ёшасига саводсиз бўлган дейилди. Ватанимиз маданиятини кенг омма ўртасида тарғиб қилиш ва чуқур ўрганиш ўрнига халқимизнинг миллий эътиқоди ва қадриятига кам даҳлдор бўлган Европа мамлакатлари тарихидан сабоқ берилди. Энг ачинарлиси шу бўлдики жаҳон тарихида салмоқли ўрин тутган ва ўз даврида халқаро муносабатлар марказида бўлган соҳибқирон Амир Темурдек буюк тарихий шахснинг фаолиятини ёритиш тақиқлаб қўйилди. Амир Темур сиймоси эса қонхўр босқинчи сифатида талқин этилди. Хўш, ўз даврида йирик Европа давлатлари танилган ва дўстона муносабатда бўлган Амир Темурдек шахсни қоралаш шўролар даври раҳбарларига нима учун керак бўлди деган ҳаққоний савол тутилди. Бу муносабат мудҳиш тоталитар тизимнинг асл моҳияти ва мақсади-

га мувофиқ келарди, чунки тоталитар тизим даврида барча миллатларни бир ягона марказга бўйсундириш натижасида бирор бир миллатнинг ва айниқса майда ва кам сонли миллатларнинг ўз ўтмиши билан мағрурланмасликлари, ўзлигини танимасликлари назорат қилинар эди. Агар бирор тарихий шахс ҳақида ҳаққоний фикр билдирилса, бу ўтмишни идеаллаштириш деб баҳоланар эди. Бу мудҳиш даврда халқимизнинг на фақат тарихи, балки тили, урф-одатлари, миллий байрамлари ва дини камситилди. Буюк давлатчилик ва буюк рус миллатчилиги кайфиятлари билан сугорилган расмий мафкура ва унинг ижрочилари бўлган марказ шовинистлари Марказий Осиё халқларига го'я т менсимаслик билан қарадилар. Бу ҳол шу даражага етдики, ҳатто Сибирь ва Олтой ўлкасининг майда, кам сонли халқлари, жумладан ёқутлар, чувашлар, чукчалар, олтойликлар ўз исми, шарифларини ўз она тилларида қўйиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум этилдилар.

САВОЛ: Маънавият масалаларига иқтисодий муаммоларни ҳал қилиб бўлгандан сўнг ўтса бўлмайdimи?

Ҳар бир халқнинг аҳвол руҳияти ва маънавий савияси юксак бўлмас экан ҳеч қачон иқтисодий муаммоларни ҳал этиб бўлмайди. Агар озгина вақт ичида бўлса ҳам маънавият масалаларига эътибор сусайса, бунинг салбий таъсири тез фурсатда жамият иқтисодий тараққиётида ҳам билинади. Шу туфайли ҳам маънавият масалаларига иқтисодий

муаммоларни ҳал қилгандан сўнг ўтса бўлади дейишлик хатодир.

Бу уринда И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республика Олий Мажлисининг II сессиясида сўзлаган нутқида баён этилган "Баъзи бировларнинг жодик олиб, эркин бозор шароитида маънавий ахлоқий қадриятларнинг қиммати тушиб кетади, маданият иккинчи даражали нарсага айланади деган фикрлари ўринсиз. Эркин бозор иқтисоди билан маънавиятни қарама-қарши қўйишдан тўғриси айтсам, ўз умрини тутатган эски мафкуранинг ҳиди келади" фикрини келтириш алоҳида эътиборга сазовор.

САВОЛ: *Ўзбек тилини туркий тиллар оиласига кирувчи энг йирик, қадимий ва бой тиллардан бири дейишади. Бу фикр илмий жиҳатдан қандай асосланади?*

Чиндан ҳам, ўзбек тили энг йирик, қадимий ва бой тиллардан биридир. Бугунги кунда бу тилда йигирма миллиондан ортиқ киши сўзлашади. Ўз ичига қозоқ, қирғиз, туркман, турк, озарбайжон, татар, бошқир, қорақалпоқ, ёқут, хакас, тува каби кўплаб тилларни олувчи туркий тиллар оиласи орасида ўзбек тилида сўзлашувчи аҳоли миқдорига кўра турк тилидан кейин (турк тилида 60 миллиондан ортиқ киши сўзлашади) иккинчи ўринда туради. Бу тиллар қадимда, қарийб 2 минг йиллар илгари шаклланган ягона туркий тилнинг тармоқларидир. Қадим туркий тил ўзининг теран мантигию расо қоидалари билан дунё доираларининг кўпларини ҳайратта солган. Улкан олмон алломаси Макс Муллер

Уз ҳайратини шундай ифодалаган эди:
“Туркийчанинг грамматика қоидалари шу қадар қиёсий ва гўзалдирки, бу тилни тилшунос олимларнинг бир ҳайъати шуур билан вужудга келтирган деб уйлаш мумкин.”

Туркий тилларнинг илк илдишлари милоддан аввалги асрларда яшagan кочжи ва хунн уруғлари (кенг маънода олтой) нинг тилларига бориб тақалади. Бу уруғларнинг тиллари қадимдан туркий тил сифатида шаклланиб, мураккаб ва узоқ тарихий тараққиётни босиб ўтган. Бу жараёнда, табиийки, жуда кўп тиллар билан муносабатда бўлган.

Ўзбек тили узоқ ва қтлик тараққиёт маҳсули. Ғ. Абдурахмонов ўзбек тилининг тарихида беш даврни ажратиб кўрсатади: 1. Энг қадимги туркий тил (VII асргача); 2. Қадимги туркий тил (VII—XI асрлар); 3. Эски туркий тил (XI—XIII асрлар); 4. Эски ўзбек адабий тили (XIV—XIX асрлар); 5. Янги ўзбек адабий тили (XIX—XX асрнинг бошлари) ва ҳозирги замон ўзбек адабий тили.

Энг қадимги туркий тилга оид ёзма ёдгорликлар бизгача етиб келмаган, аммо қадимги туркий тилда битилган бир қатор ёзма ёдгорликларга эгамиз. Бу ёзма ёдгорликлар Ўрхун—Энасой ёдномалари деб юригилди (Энасой ва Мўғулистондаги Ўрхун дарёлари бўйларидан топилган тошлардаги ёзувлар) ва улар барча туркий халқларнинг маънавий мулк; ҳисобланади.

Эски туркий тил бевосита ўзбек тилининг шаклланиши учун замин тайёрлади. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” (“Саодатга

бошловчи Билим”) асари, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” (“Туркий сўзлар девони”) асари ва бошқа бир қанча асарлар ана шу тилда яратилган. Бу асарлар туркий халқлар тили ва маданияти тарихида беқиёс аҳамиятга эга.

Улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий ўз ижоди билан эски ўзбек адабий тилини беҳад ривожлантирди, уни энг олий такомил даражасига кўтарди. Алишер Навоий эски ўзбек адабий тилининг барча имкониятларини бор бўйича кўрсатиб берди, бадий тасвир воситаларини янада бойитди.

Ўзбек тили ана шу тарзда шаклланди ва тараққий этиб келди.

САВОЛ: Бу қадар қадимий ва бой тилининг имконлари, мавқеи нима учун “совет даври” дейиладиган йилларда чеклаб қўйилди?

Ўзбек тили сўнги тарихда, яъни XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, айниқса, XX асрнинг 20-йилларидан то 80-йилларнинг охирига қадар, Ўзбекистон ўзининг мустақиллигини эълон қилгунгача бўлган даврда рус тилининг қаттиқ таъсири остида қолди. Бунинг натижасида ўзбек тилида “русча — интернационал сўзлар” деган улкан бир сўзлар қатлами юзага келди, бу қатламдаги сўзларнинг чет сўз эканлиги ҳар бир кишига маълум эди. Қадим ўзбек тили бадий адабиёт тили сифатида Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Эр-

кин Воҳидов, Абдулла Орипов каби адиблар асарлари тимсолида ривож топиб борган бўлса-да, кундалик ҳаётда у уй-рўзгор тилига айланиб қолган эди. "Совет даври" деб аталган яқин тарихда ўзбек тилининг қонуний ҳуқуқлари поймол этилди, у ҳар жиҳатдан камситилди, ўзбек тили ва ўзбек халқининг ягона ватани бўлмиш Ўзбекистонда расмий ишлар ўзбек тилида эмас, балки рус тилида олиб борилди. Бу албатта, руслаштиришдан иборат яхлит совет империячилик сиёсатининг мақсади билан боғлиқ натижалардир.

Ўзбекистонда совет даврида ҳукуматнинг рус тилини ўрганиш, тарғиб қилиш ва ривожлантириш билан боғлиқ кўплаб расмий қарорлари қабул қилинган, бир қанча тадбирлар ўтказилган. Аммо ўзбек тилини ривожлантиришга қаратилган расмий қарорни топиш қийин. У даврда ўзбек тилининг расмий доираларда қўлланилиши чегараланган, мавқеи расман йўқ даражада эди. Маъмурий идораларга кадрларни танлашда ҳам ходимнинг рус тилини билиш даражаси асосий ўлчов бўлган.

САВОЛ: *Ўзбекистонимизнинг муборак истиқлоли тилимиз равнақи ва эътибори учун нима берди?*

Истиқлол, бу Ватаннинг ва миллатнинг ҳеч бир истисносиз барча соҳадаги эрку озодлигидир. Миллат тушунчасининг бош унсурларидан бири она тили эканлиги қам жуда эски ҳақиқатдир. Демак, Ватан истиқлолини тил истиқлолисиз тасаввур ҳам этиб бўлмайди. Ўзликни англашдай мураккаб ва машаққатли жараёнда тилнинг, она тилининг беқиёс

аҳамиятини исботлаб ўтиришнинг зарурияти йўқ. Миллий ўзликни англашнинг пировард натижаси истиқлолдир. Ўзбек тилига давлат тили мақомини берган “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили тўғрисида” ги қонун, ҳеч шубҳасиз, юртимиз истиқлоли йўлидаги илк дадил қадамлардан бири эди. Аммо бу қонун 1989 йилнинг 21 октябрида қабул қилинган бўлиб, у пайтда ҳали “Совет Иттифоқи” деган мустабид империя парчаланмаган эди, тил сиёсатида, бир қадар кучсизланган бўлса-да, тўнг тушов мавжуд эди. Энди Ўзбекистон интиқ истиқлол-ла қовушди, йилма-йил уни мустаҳкамлашдай мунтазам жараён жадал кечмоқда, мутлақо янги, мақбул ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-тарихий шароит юзага келди. Ана шунинг учун ҳам мазкур қонуннинг янги таҳририга улкан бир эҳтиёж туғилди: 1995 йилнинг 21-22 декабрида Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси янги таҳрирдаги давлат тили ҳақидаги қонунни қабул қилди.

Истиқлол туфайли ўзбек тили энг аввало ўзининг қонуний ҳуқуқи — давлат тили мақомига эга бўлди. Шижоаткор юртбошимиз ўзларининг “Ўзбекистон — келажаги буюк давлат” номи китобларида шундай деб таъкидлаганлар: “Ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларнинг илдизи халқимизнинг маънавий уйғонишидадир. Она тилимизнинг азалий ҳақ-ҳуқуқлари тиклангани, ҳақиқий ўзбекона урф-одатларнинг ҳаётдан ўрин олаётгани, кадриятларимизнинг ўз ўрнини топаётгани

ҳам одамлар кайфиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбек ўзлигига ишона бошлади”.

Очиқ айтиш керакки, бугун Ўзбек тилининг нуфузини кўтариш мамлакатимизда умумдавлат ишига айланди. Ўзбек тилининг ҳар тарафлама такомиллашиб бориши учун изчил иш олиб борилмоқда. Бу тилдаги илмий атамаларни тартибга солиш борасида ҳам режали ишлар амалга оширилмоқда. Иш юриштиши тўлиқ давлат тилига ўтказишга кўмаклашувчи бир қанча китоблар нашр қилинди. Тўғри, бу борадаги ишларнинг суръати жадал эмаслигидан нолийдиганлар ҳам бор. Аммо 70 йилдан ортиқ давр мобайнида шакланган иш юритиш қолипларидан бир зарб билан халос бўлиш осон эмас, бу муайян вақт талаб қиладиган жараёндир. Энг муҳими, эзгуният бор, иш бошланган, маълум натижалар кўз ўнгимизда, мунтазам тил сиёсати мавжуд.

САВОЛ: *Тилнинг либоси ёзувдир. Бу либоснинг тилимизга ярашиқли бўлиши учун қандай ишлар қилинди?*

Юртбошимиз, республикамиз раҳбарияти тилимиз равнақи учун доимий ғамхўрлик қилиб келмоқда. Тилнинг ривожини учун, табиийки, ёзув ҳам жуда муҳимдир.

Ҳақиқатан ҳам, ёзув тилнинг либосидир. Ҳар бир тилнинг ёзувининг ўзига мос ва мувофиқ бўлиши керак. Шундагина ёзув тилнинг табиий ва тарихий тараққиётига халақит бермайди, тилнинг тугал тозалигини ойдин оҳангдорлигига путур етказмайди. Таъинки, ёзув инсоният эришган буюк ютуқлардан биридир. Бир неча минг йиллик кишилик тарихи

тўплаган улкан билимлар, асрлар чигиригидан ўтиб, ҳақиқат шаклини олган тенгсиз тажрибалар, кишилар қалбини батамом ром айлаган фалсафий тафаккурнинг покиза чечаклари бизга фақат ёзув орқали етиб келган. Шунинг учун у ёки бу ёзувни яхшию бошқасини ёмон деб айтиш ақл доирасига кирмайди. Ер юзидagi ҳар бир ёзув ўз ўрнида маъқул, ҳар бир ёзув муайян тилнинг товуш қурилиши учун мувофиқ келади. Кимгадир жуда ҳам ярашган либос бошқа бировга мутлақо ярашмаслиги табиий. Ёзув ҳам шунга ўхшаш, бир тил учун ўта мувофиқ келган ёзув бошқа тилга мос келмаслиги мумкин. Кирил ёзуви бизнинг тилимизга мос эмас, у она тилимизнинг гўзал ва қадим товуш қурилишини тўғри акс эттира олмайди. Буни кўп йиллардан бери мутахассислар айтиб келишарди, ёзувни алмаштириш ҳақидаги фикрлар қам илгари суриларди. Аммо совет тил сиёсатида бунга изн йўқ эди, чунки бундай қилиш гўё "миллатларнинг бири-бирига яқинлашуви ва қўшилиб кетиши"га халақит берарди. Истиқ-лол туфайли бошқа масалалар каби бу муаммони ҳам эркин ҳал қилиш имкони тугилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси "Лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосига ўтиш ҳақида"ги қонунни қабул қилди. Айтиш лозимки, лотин ёзуви дунёда энг кенг тарқалган ёзувдир, яъни ундан жаҳон аҳолисининг 30 фоизи фойдаланади. Айни пайтда бу миқдор дунёнинг энг илғор давлатларининг аҳолисини ўз ичига олади. Дунёга юз тутаётган Ўзбекистонимиз учун бу жуда муҳим. Бундан ташқари янги

алифбо дунёга чиқишимиз учун сув билан ҳаводай зарур бўлган хорижий тилларни ўрганиш учун ҳам қулайлик яратиши тайин. Муҳими, лотин ёзуви асосидаги алифбо ўзбек тилининг товуш қурилишини холис ақс эттира олади. Бу ёзув бўйича бизнинг 10 йиллик тажрибамиз бор, 1929—1940 йилларда бу ёзув бизда амалиётда бўлган. 1940 йилда лотин ёзувидан кирил ёзувига ўтишда атиги бир ярим ой вақт берилган. Бу ҳам ўша тоталитар тизимнинг халққа зугумларидан бири эди. Бутун бизнинг қонунимизда бениҳоя оқилона ва одилона йўл тутилган, янги ёзувга босқич-ма-босқич ўтиш мўлжалланган, яъни 1996 йилнинг сентябридан бошланади ва 2005 йилда тугалланади. Дангал айтиш мумкинки, тилimiz ўзининг ярашиқли ва бичими мос либосига — ёзувига эга бўлди. Бу тадбирнинг она тилimiz камолоти учун хизмат қилиши шубҳасиз.

ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ- НИНГ ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ АЪЗОСИ

САВОЛ: СССР Конституциясининг 80-моддасида "Иттифоқдош республикалар хорижий мамлакатлар билан алоқа боғлашга, шартнома тузишга, дипломатия ва консуллик вакиллари айирбошлашга, халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этишга ҳақлидир" деб ёзиб қўйилган. Шунга мувофиқ Ўзбекистон унлаб хорижий мамлакатлар билан маҳсулотлар алмашарди, аячча-мунча делегациялар чет элларга чиқишарди, улар-

дан ҳам ўз навбатида делегациялар келарди. Лекин бутунги кунда баъзида Ўзбе-кистон собиқ совет тузими шароитида ташқи дунёдан ажратиб қўйилган эди, мустақил ташқи сиёсат юритишдан маҳрум эди, деб таъкидланмоқда. Буни қандай тушунмоқ керак, ҳақиқатда ўзи нима бўлган эди ва ҳозирги аҳвол қандай?

Маълумки, ҳозирги ҳур, суверен ва мустақил давлат — Ўзбекистон ўзининг мустақиллиги ва миллий Истиқлолига эришгунича қадар собиқ СССР деб аталган қудратли, ҳукмрон Марказ тасарруфида ўз эркинлигидан, мустақил ички ва ташқи сиёсат юргизиш, республикага дахлдор туб масалалар ва муаммоларни ўзи ҳал этиш ҳақ-ҳуқуқларидан тўла маҳрум эди. Гарчи катта мамлакатнинг Асосий қонунни ҳисобланган “СССР Конституцияси”да бу республика бошқа ўн тўртта “қардош ва жондош” миллий республикалар сингари “тенг ҳуқуқли”, “мустақил”, “суверен” давлат сифатида таърифу тавсиф этилса-да, амалда эса кўзга кўринмас, минг ва миллион хил кўринмас иплар усталик билан “тўқилган”, тўрлар билан қўл-оёғи банди этилиб қўйилган эди. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси ва унинг ҳукумати на иқтисодий, на сиёсий ва на маънавий соҳаларда ўз ҳолига мустақил сиёсат ёҳуд фаолият юритиш ҳуқуқига эга эмасди. Бинобарин, катта табиий бойликлар, ресурслар, иқтисодий имкониятлар, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган республиканинг хўжалик ҳаёти ҳам, маданий-маънавий жабҳалари ҳам фақат иттифоқ давлатининг хоҳиш-

иродаси, олий кўрсатмаси билан бошқарилиб келинган.

Энди СССР Конституциясининг 80- моддасига тўхталадиган бўлсак, тўғри, унда ҳар бир иттифоқдош республиканинг сиёсий “мустақиллиги” тайин қилиниб, унинг хоҳлаган хорижий давлат ёхуд давлатлар билан бемалол алоқалар ўрнатиши, шартномалар, аҳдномалар тузиши, имконият туғилса дипломатик ва консуллик ваколатлар айирбошлаши, уларга ўз вакиллари, делегацияларини юбориши ёки шундай вакилларни ўзида қабул қилиши, халқаро ташкилотлар фаолиятида эркин қатнашиши ва ҳоказолар хусусида фикрлар аниқ-равшан баён этилган. Шунингдек ҳар бир иттифоқдош республика ҳукумати таркибида ташқи ишлар вазирлиги тизимининг мавжуд бўлганлиги ҳам бунга тасдиқ этади. Сўнгра Ўзбекистоннинг жуда кўплаб чет эл мамлакатлари билан иқтисодий, савдо-сотиқ, илмий-техникавий ва маданий алоқаларда бўлганлиги, ўзида ишлаб чиқарган, етиштирган турли-туман маҳсулотлари, молларини хорижга экспорт қилганлиги, республика олий ва ўрта махсус ўқув юртларида неча юзлаб ва минглаб чет эл ёшлари, айниқса ривожланаётган “учинчи дунё” мамлакатлари йигит-қизларининг таълим олганлиги ва шу сингари фактлар, мисоллардан кўз юмолмаймиз. Бизга маълум бўлган расмий маълумотларда республикамиз ўз саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жаҳоннинг 60 дан зиёд мамлакатларига чиқарганлиги ёхуд 80 дан зиёд давлатлар билан маърифий-маданий алоқа-

ларда бўлганлиги бежиз таъкидланмаган, албатта. Бироқ, ҳамма бало шундаки, бу хорижий алоқалар ва муносабатларнинг бутун мазмун-моҳияти ҳукмрон коммунистик тузум мутасаддилари “қолипи” билан чегаралаб қўйилар, ундан чиқиб кетиш, бемаслаҳат ҳаракат йўлини тутишга ҳеч кимнинг ҳаққи-ҳуқуқи йўқ эди. Зеро, Ўзбекистондан нимани четга чиқариш, қанча миқдорда, қанча турда чиқариш, уни нимага айирбош қилиш, улардан келадиган тушум-даромадларни тасарруф қилиш — булар бутунлай марказий давлат муассасалари, ҳукмрон иттифоқ вазирликларининг измида бўлган. Ҳатто чет элга юбориладиган партия-ҳукумат делегациясими ёки фан, маданият, санъат, спорт ходимларидан иборат делегация бўладими, бундан қатъи назар уларнинг таркиби фақат Москва “қўли” имзосидан ўтгандан кейингина ўз вазифасини, миссиясини бажаришга кириша олар эди. Жумладан, Ўзбекистонга ташриф буюрадиган қайси даражадаги хорижий вакиллар делегацияси бўлмасин, бунинг учун аввал бошдан Марказнинг тегишли мутасадди органлари, масъул ходимлари билан келишиш, уларнинг розилигини олиш талаб этиларди. Шу тахлитда ҳар бир босадиган қадам ёки амалга ошириладиган катта-кичик тадбирни юқорида савлат тўкиб утирган ўзгаларнинг тўраларча йўл-йўриғи, измисиз, ўз майли, хоҳиши билан қила олмайдиган, ҳар одимда Москванинг даҳшатли сояси “шарпа бериб турган” бир шароитда қандай қилиб Ўзбекистонимизнинг

ташқи дунё билан эмин-эркин боғланганлиги тугрисида тугал фикр айта оламиз!

Мана ёркин бир мисол. Азалдан динимони ва эътиқоди бут бўлган ўзбек халқининг жуда кўплаб мўмин-мусулмон кишилари неча ўн йиллар давомида мусулмончилик арконларининг муҳим талабларидан бири — Маккаи мукаррамага бориб, муқаддас Ҳаж сафарини бажо этиш ҳасратида интиқиб, орзиқиб келди. Уларнинг қанча-қанча си ўз орзуниятига эриша олмай армон билан дунёдан кўз юмиб кетди. Бунинг асосий сабаби шундаки, “жанговор” атеизмни ўз мафкурасига байроқ қилиб олган қизил коммунистик империя динни таъқиблабгина қолмай, диндорларнинг конституцион ҳуқуқи ҳисобланган виждон эркинлигини ҳам бўғиб, таҳқирлаб, шу важдан уларнинг ҳаж зиёратини ўташи учун изн бермай келганди. Мана, яратганга минг адад шукрлар бўлсинки, буюк Истиқлол туфайли бу кунги дориламон муборак кунларга етишганлигимиз туфайли республикамизнинг минг-минглаб аҳли мусулмон ҳар йили муқаддас ҳаж сафарини катта шукроналик билан адо этмоқдалар.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқар эканмиз, Ўзбекистоннинг шўролар ҳоқимияти даврида нечоғли ташқи дунёдан узилиб қолганлигини, унинг мамлакатнинг Асосий Қонунида битилган бу хусусдаги “Қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари” қанчалик ясама, хўжак ўрсинлик кўринишидан бошқа нарса эмаслигини рўй-рост таъкидламоғимиз жоиз.

САВОЛ: *Мустақиллик шароитида Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатига қандай мақсад ва қондалар асос қилиб олинган? Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши, унинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлганлиги нималарда ўз ифодасини топмоқда?*

Ўзбекистоннинг миллий мустақилликка эришгуви унинг кўп асрлик қарамлик ва мутелик исканжасида яшаб, не-не зулм-асоратни бошдан ўтказган жабрдийда, аммо табиатан мағрур ва масрур халқи ҳаётида нечоғлик буюк тарихий воқеа, туб бурилиш нуқтаси бўлмасин, шу билан бирга унинг ташқи давлат сиёсатида, халқаро майдондаги муносабатларида ҳам ўзига хос муҳим босқич бўлди. Аввало, ёш, мустақил, суверен давлатнинг жаҳонга юз очиши, унинг кўплаб давлатлар, мамлакатлар томонидан бирин-кетин эътироф этилиши, у билан дипломатик, савдо-сотиқ ва бошқа алоқаларни ўрната бориши Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдонга чиқишига кенг йўл очиб берди.

Айниқса қондош, жондош ва диндош Туркия жумҳуриятининг Ўзбекистон мустақиллигини биринчи бўлиб тан олиши, ундан сўнг АҚШ, Хитой, Англия, Франция, Германия сингари буюк давлатларнинг республикамыз суверенитетини тан олиб, у билан ҳар турли муносабатлар ўрнатишга киришишлари бизнинг жаҳон ҳамжамияти таркибига қўшила боришимизда гоётада муҳим аҳамият касб этиб борди.

Ўзбекистон ўз миллий манфаатларига жавоб берадиган мамлакатнинг жаҳон ҳамжа-

мий тига қўшилишни таъминлайдиган, миллий, минтақавий ва жаҳон хавфсизлигига кўмаклашадиган тинчликсевар ташқи сиёсат юритмоқда. Унинг асосий қоидалари Президент И. Каримовнинг асарларида, маъруза ва нугҳларида асослаб берилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қонунлаштирилган.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатига қуйидаги қоидалар асос қилиб олинган:

— давлатларнинг суверен тенглиги ва чегараларнинг дахлсизлигини ҳурмат қилиш;

— бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;

— низоларни тинч йўл билан ҳал этиш;

— куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик;

— инсон ҳуқуқларини ва эркинликларини ҳурматлаш;

— ички миллий қонунлардан халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари ва нормаларининг устиворлигини тан олиш;

— тажаввузкор ҳарбий блоклар ва уюшмаларга кирмаслик;

— давлатлараро тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик.

Республиканинг давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ёки ажралиб чиқиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сийосатида тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик тамойиллари устуворлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси ўз тарихида биринчи марта 1992 йил 2 мартда жаҳон ҳамжамиятининг тўла, тенг ҳуқуқли субъекти сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилнди. Ўзбекистон БМТ Низоми, халқаро ҳуқуқий меъёрлар, давлатлараро муомала қондалари, шунингдек БМТ таркибига кирувчи халқаро ташкилотларнинг талабларига риоя қилишини билдирди.

Мамлакатимиз Президенти И. Каримовнинг БМТ Бош Асамблеясининг 1993 йилда бўлган 48 сессиясида ва 1995 йилда бўлган 50- юбилей сессиясида иштирок этиши ва унда қилган маърузалари Ўзбекистонни жаҳонга кўнра ва ёш навқирон давлат сифатида намоён этди. Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича БМТнинг Тошкентда доимий ишловчи семинарини чақириш, наркобизнесга қарши курашни кучайтириш, Орол муаммосини ҳал этиш ва бошқа масалалар бўйича бир қатор таклифларни ўртага қўйди.

1993 йил февралда Тошкентда БМТнинг ваколатхонаси таъсис этилди ва у иш бошлади. Ўзбекистон Республикаси ва БМТ раҳбарларининг савий-ҳаракатлари натижасида бугунги кунда республикамизда БМТнинг ваколатхонаси, мамлакатимизда БМТнинг Тараққиёт дастури, Қочоқлар иши бўйича олий қўмита комиссари, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкиоти, Аҳоли жойлашиш жамғармаси,

Наркотикларни назорат қилиш дастури, Са-
ноат тараққиёти дастури, Болалар жамгармаси
сингари ихтисослашган муассасаларни ўз тар-
кибига бирлаштиришга муваффақ бўлди. Ху-
сусан, унинг бошлиғи Холид Маликнинг фаол
иштирокида Ўзбекистонда кўплаб халқаро
тадбирлар ўтказилмоқда. Чунончи, Тошкент-
даги БМТнинг Қочоқлар иши бўйича олий
қўмитаси комиссарининг вакили тожик қо-
чоқларни юртига қайтариш, уларга БМТнинг
инсонпарварлик ёрдамини етказиш бўйича
катта тадбирларни амалга ошириш, 1994 йил
октябрнинг бошларида БМТ ваколатхонаси-
нинг ёрдами ва иштирокида Тошкентда
бўлган жаҳон сайёҳлик ташкилотининг “Ипак
йўли” халқаро йигилиши жаҳон сайёҳлик ва
тижорат ишларида Ўзбекистоннинг мавқеини
янада кўтарди.

Ўзбекистон 1992 йил февраль ойида дунёда
тинчликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларини
ҳимоя қилиш бўйича катта тадбирларни амал-
га ошираётган нуфузли халқаро ташкилот —
Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкило-
тига аъзо бўлиб кирди. И. Каримовнинг 1992
йил 9—10 июлда бўлган Европада хавфсизлик
ва ҳамкорлик ташкилотининг мажлисида
иштирок этиши, унда нутқ сўзлаши ва Кен-
гашнинг 10 июлда бўлган мажлисига раислик
қилиши Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида
муносиб ўрин эгаллаётганлигининг далилидир.
1994 йил сентябрь ойининг охирларида
Тошкентда ЕХХТнинг умумий масалаларига
бағишланган халқаро анжумани бўлиб ўтди,

унда Кенгаш фаолиятининг барча қирраларига оид масалалар кўриб чиқилди.

ЕХХТ Тошкентда ва Урганчда атроф-муҳитни қайта тиклаш бўйича семинар ташкил қилиб, Орол муаммосини ҳал қилишга кўмаклашмоқда. Тошкентда ЕХХТнинг алоқалар бўйича минтақавий бюроси очилгани ҳам ижобий аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон жаҳондаги 105 мамлакатни бирлаштирувчи Қўшилмаслик ҳаракатига қабул қилинди, бўлгуси жаҳон парламентининг тимсоли бўлмиш Парламентлараро Иттифоққа кирди. Ислоом конференцияси Ўзбекистонни кузатувчи сифатида қабул қилди ва мамлакатимизга ишончли ва масъулиятли шерик деб қарамоқда.

Ўзбекистон Республикаси бир қатор ихтисослашган нуфузли халқаро ташкилотлар — Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон Почта иттифоқи, Электр Алоқаси бўйича халқаро иттифоқ, Жаҳон Метереология ташкилоти, Электр Алоқаси бўйича халқаро иттифоқ, Халқаро Олимпиада қўмитаси, Атом энергияси бўйича халқаро агентликнинг аъзоси бўлди. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон Республикасининг тарихан қисқа вақтда халқаро ҳамжамиятга қўшилганининг, халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида дунё сиёсатида фаол қатнашаётганининг яққол ифодасидир.

САВОЛ: Кейинги пайтларда ахборот воситаларида миллий, минтақавий ва жаҳон хавфсизлиги тўғрисида тез-тез гапирил-

моқда. Бунинг сабаблари, муаммолари ва узаро боғлиқлиги нималардан иборат?

Бутунги кунда ҳам аср бошида бўлганидек дунё қарама-қарши тенденцияларга, кескин зиддиятларга тўлиб-тошиб турибди. “Совуқ уруш” сиёсати барҳам топган бўлсада, миллий ва диний низолар жаҳон тинчлигига хавф солиб турибди, бутун инсониятни экологик танглик, биогенетик бузилишлар, уюшган жиноятчилик, экстримизм, террорчилик таъшивлантирмоқда. Жаҳон халқлари хавфсизлигини таъминлаш давримизнинг энг долзарб масаласига айланган. Жаҳон тинчлиги минтақалардаги тинчликка, шунингдек, айрим олинган ҳар бир мамлакатдаги тинчликка боғлиқ бўлиб қолди. Ҳар бир мамлакатда миллий хавфсизлик таъмин этилган бўлса, ўша мамлакат жойлашган минтақада хавфсизлик бўлади, минтақаларда хавфсизлик таъминланса жаҳон хавфсиз бўлади. Шунинг учун ҳам жаҳон сиёсатида миллий, минтақавий ва жаҳон хавфсизлигини таъминлаш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳам ўзининг ташқи сиёсатида миллий, минтақавий хавфсизлик масалаларига жаҳон хавфсизлигининг таркибий қисми сифатида алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Бунинг асосий боиси шундаки, республикамиз Марказий Осиё ҳудудида жойлашганлигидан, унинг тинчлиги, осойишталиги ва хавфсизлиги муайян маънода шу минтақадаги вазият мувозанатига ҳам боғлиқдир. Тевараكاتрофимиздаги қўшни давлатларда воқе бўла-

диган турли хил ҳолатлар, жанжалли, низоли масалалар, улар теварагида юз бериб турадиган можоралар ёхуд осойишталик, уруш ҳаракатлари, булар шак-шубҳасиз, бизнинг мамлакатимиз ҳаётига ҳам сўзсиз даҳл қилиши, унинг хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин. Шу сабабдан қўшни Афғонистонда кўп йиллардан буён давом этиб келаётган фуқаролар уруши ёхуд ён қўшнимиз Тожикистон заминида юз бераётган биродарқушлик урушлари шу минтақадаги умумий вазиятга салбий таъсир кўрсатаётганлиги, бундан Ўзбекистоннинг ҳам ташвиш чекаётганлиги, шуни ҳисобга олиб республикамиз раҳбарияти минтақадаги сиёсий иқлимни соғломлаштиришга астойдил саъй-ҳаракат боғлаётганлиги ҳаммага маълум. Бу борада республикамиз президентининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси сессияларида сўзлаган нутқларида, шунингдек БМТ Бош Котиби номига йўллаган мактубларида ва бошқа учрашувлар ва анжуманларда қайта-қайта уқтириб ўтканлиги бежиз эмас, албатта. Ўзбекистон давлати бу борада ўз ташқи сиёсатини юргизар экан, бунда шу асосий нуқтаи назардан келиб чиқадикки, ҳар бир мамлакатнинг тинчлиги ва хавфсизлиги кафолати нафақат ўша давлатнинг Ёлғиз ўзининг ҳатти-ҳаракатларига боғлиқ бўлиб қолмай, балки шу билан birlikда минтақадаги, қолаверса, халқаро коллектив кучларнинг ҳам биргаликдаги баҳамжиҳат саъй-ҳаракатларига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Республикамиз президентининг қондош ва қардош Тожикистон ҳудудида юз бераётган қонли уруш-низоларни бартараф этиш, тожик халқи бошига тушган кулфату мусибатларни енгиллаштириш, моддий ва маънавий жиҳатдан кўмаклашиш, мазкур республикадаги мухолифатчи кучлар ўртасида тинч музокаралар, мулоқотлар ўтказиш йўли билан умумий келишув ва ярашув битимларига келишиш борасидаги ташаббускор фаолияти, катта кучгайратини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиз бўлади. Шунингдек, Ўзбекистон ҳукумати жаҳон ҳамжамиятининг "тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида дунёнинг бошқа минтақаларида келиб чиқаётган низоли, жанжали масалалар, можораларни ҳам урушсиз, тинч, йўл билан ҳал этиш, бунда шу жараёнларга тортилган томонлар манфаатларини кўзлаб иш туғиш йўлини изчилик билан амалга ошириб келмоқда. Жумладан, яқин шарқ можорасини, яъни Исроил билан қўшни араб давлатлари ўртасида кўп йиллардан бери давом қилиб келаётган мухолифликни бартараф этиш, шу минтақада тинчлик, барқарорлик ўрнатиш масалаларида республикамиз ташқи сиёсатининг принципиал йўли мана шунга асосланади.

Зеро, халқимизда "учқундан аланга чиқади", дейилганидек, жаҳон коммуникациясининг мислсиз ривожланиб бориши бутун планетамиз халқларини бир-бирига гоятда яқинлаштириб, тугаштириб қўйган бир шароитда унинг бирор-бир минтақаси ёки нуқтасида келиб чиққан оловли можора ёки локал уруш ҳаракатлари бошқа минтақаларга таъсир эт-

майди, тарқалмайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди. Бинобарин, миллий ёҳуд минтақавий хавфсизлик масалаларини умум жаҳон хавфсизлиги контекстидан ажратган ҳолда, алоҳида тарзда тасаввур этиб бўлмайди.

САВОЛ: ЮНЕСКО билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар ҳақида гапириб берсангиз. ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор қайси хизматлари учун Ўзбекистон Республикасининг “Дўстлик” ордени билан мукофотланди?

Ўзбекистоннинг таълим, фан ва маданият билан шугулланувчи халқаро ташкилот — ЮНЕСКО билан алоқалари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. 183 давлат аъзо бўлган ЮНЕСКО нинг бош мақсади — барча халқлар келажагининг умумийлиги асосларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш, ҳозирги замон муаммоларини янада чуқурроқ ўрганишга кўмаклашишдан иборат. Бу соҳадаги ёрдам бешта дастур асосида берилмоқда: таълим ва келажак: фан, тараққиёт ва атроф-муҳит манфаатлари йўлида; маданият: ўтмиш, ҳозирги замон ва келажак; коммуникация, ахборот ва информатика инсоният хизматида; ижтимоий ва гуманитар фанларнинг тинчлик, инсон ҳуқуқлари ва демократияни ривожлантиришда ҳиссаси. Унинг тадбирлари амалий иш режалари асосида амалга оширилади. ЮНЕСКО ҳар йили жаҳонда ўз фаолияти доирасида 150-200 йирик тадбир ўтказди. Унинг “Музей”, “Истиқболлар”, “Муаллиф ҳуқуқлари бўйича ахборот”, “Табиат ва ресурслар” каби 20 дан ортиқ журналлари нашр

эти лади. ЮНЕСКО ҳар бир давлатдаги илғор тажрибаларни ўрганувчи ва бошқаларга тарқатувчи "Гоялар лабораторияси" ролини бажармоқда.

1993 йил октябрда ЎзР Президенти И. Каримовнинг Францияга сафари чоғида, 1993 йил 29 октябрда ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида Ўзбекистонни ЮНЕСКОга аъзоликка қабул қилиш маросими бўлди. Уша кунни Улугбек таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш ЮНЕСКО дастурига киритилди. 1994 йил октябрда Парижда Улугбек хафталиги тантана билан ўтди. Хива ва Бужоро ЮНЕСКОнинг жаҳон маданий қадриятлар рўйхатига киритилди. Бу рўйхатда 411 та объект бор. Самарқанд, Бухоро, Живанинг меъморий маҳмуаларини қайта тиклаш ишларига ЮНЕСКО эксперти — қайта тикловчи меъмор Жованни Боккарди Ўзбекистонда ишлаб ёрдамлашмоқда.

1994 йил декабрда республикамізда ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Уринбосари С. Саидқосимов раислигида миллий комиссия ташкил этилди. У идоралараро орган бўлиб, таркибига таълим, фан, маданият ва ахборот соҳасидаги вазирликлар ва идоралардан 49 киши аъзо бўлди. А. Саидов Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО ҳузуридаги доимий вакили сифатида фаолият кўрсатмоқда.

ЮНЕСКО Марказий Осиё тараққиётини ўрганиш, тиклаш ва оммалаштиришга катта аҳамият бермоқда. "Ипак йўли — мулоқот йўли" деб номланган йирик тадқиқотда Мар-

казий Осиёга биринчи даражали аҳамият берилди. Олти жилдди "Марказий Осиё маърифати тарихи" тайёрланмоқда ва нашр этилмоқда. 1992 ва 1994 йилларда унинг икки жилди нашр этилди. Минтақа мамлакатлари мутахассислари унда қатнашмоқда. ЮНЕСКО қарорига биноан Самарқандда Марказий Осиёни тадқиқ қилиш халқаро институти ташкил этилди. ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майорнинг Ўзбекистондаги расмий ташрифи чоғида институт тантанали равишда очилди. ЮНЕСКО Бош конференциясининг 28- сессияси, бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини халқаро миқёсда нишонлашга қарор қилди. 1996 йил 22—27 апрель кунлари Париж шаҳрида ЮНЕСКО раҳбарлигида Амир Темур таваллудига бағишланган "Темурийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг равнақи" мавзuida ҳафталик халқаро анжуман ва тантаналар бўлиб ўтди. Анжуман ва тантаналарда Ўзбекистон давлат делегацияси қатнашди. Ўзбек, француз ва инглиз олимлари илмий анжуманда 15 га яқин маърузалар билан чиқишди. Машҳур "ОДИОН" театрида ўзбек ва француз санъаткорлари иштирокида ўзбек мусиқаси ва шеърининг кечаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантирилгани учун ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор Ўзбекистон Республикасининг "Дўстлик" ордени билан мукофотланди.

САВОА: Собиқ СССРдан ажралиб давлат мустақиллигини қўлга киритган республика-

лар яна нима учун МДХ туздилар? Уларнинг ҳар бири ўз хўжалигини ўзи мустақил юри-таверса бўлмасдими?

Дунёдаги барча халқлар миллати, тили, ди-ни, урф-одатлари, расм-русумлари қандай бўлишидан қатъи назар азаддан мулоқотда ва муомалада бўлиб келган. Халқларнинг та-раққиёт даражаси юқорилашган сари улар ўртасидаги алоқалар, ҳамкорлик ҳам ҳар то-монлама ўсиб, ривожланиб борган. Айниқса бизнинг асримизда инсоният ҳаётида халқаро муносабатларнинг роли беқиёс ўсди. Бу ҳар бир мамлакат аҳолиси талаб эҳтиёжларининг гоят даражада ўстанлиги билан боғлиқ. Биз-нинг асримизда аҳоли талаб-эҳтиёжлари шу даражада ўсдики, уни алоҳида олинган бир мамлакат ресурслари билан тўла қондириб бўлмайди.

1991 йилнинг иккинчи ярмида, аниқроғи ўша йилнинг августида юз берган ГКЧП (фавқулодда ҳолат Давлат қўмитаси) воқеала-ридан сўнг ҳукмрон Коммунистик партиянинг батамом обрўси зланиши, ўз-ўзини бадном этиши оқибатида СССР деб аталиб келган қудратли, аммо бу даврга келиб омонат бўлиб қолган иттифоқ давлатининг парчланиши оқибатида унинг таркибидаги собиқ итти-фоқдош республикалар бирин-кетин ўз мус-тақилликларини эълон қилиб, суверен давлат-лар сифатида фаолият кўрсата бошладилар. Бунинг натижасида собиқ СССР таркибидаги 15 та республиканинг мустақилликка эришуви ва жаҳон ҳамжамиятига қўшулуви жараёни юз бериб борди. 1991 йил декабрда Белорус-

сиянинг Беловежская Пуша деган жойида уч давлат раҳбарлари — Б. А. Ельцин (Россия), Л. Кравчук (Украина) ва С. Шушкевич (Белоруссия) учрашувидан мазкур давлатларнинг СССР таркибидан чиқиши ҳамда уларнинг уч мустақил славян давлатлари ҳамдўстлигини тузишга қарор берганлиги амалда собиқ Иттифоқ давлати парчаланганлигини узил-кесил намойиш этди. Шундан сўнг собиқ Иттифоқдош давлатларнинг сифат жиҳатдан янги мазмун касб этган, уларнинг мустақиллигига дахл қилмайдиган ҳамдўстлик тузиш гоёси ўртага қўйилди. Бундай мустақил давлатлар ҳамдўстлигини тузишни тайин қилган асосий сабаблар, даставвал, шундан иборатки, бу мамлакатлар бир неча ўн йиллар давомида биргаликда яшаб, ягона сиёсий ва иқтисодий маконга эга бўлиб, уларнинг хўжалик иқтисодий, илмий-техникавий ва интеллектуал салоҳиятлари, имкониятлари ҳам бир-бирига қўшилиб, боғланиб кетган эди.

Сўнгра жаҳон тажрибаси рўй-рост исбот этганидек, ҳозирги дунёда бирор-бир мамлакат ташқи дунёдан ажралган, ўз қобиғига ўралган ҳолда ўз муаммоларини ҳал этиб, халқига муносиб ҳаёт кечириш даражасини яратиб бера олмайди ёҳуд мудофаа, хавфсизлик масалаларини юксак савияда таъмин эта билмайди. Шунинг учун ҳам 1991 йил декабрида вужудга келган ва 12 та собиқ иттифоқдош республикалар аъзо бўлиб кирган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) фаолиятида Ўзбекистон унинг биринчи кунларидан бошлаб фаол иштирок этиб келмоқда.

Ўзбекистоннинг ўтган йиллар ичида Россия Федерацияси, Украина, Белоруссия, Молдова, Грузия, Арманистон, Озарбайжон сингари МДХ таркибига кирган давлатлар билан иқтисодий, савдо-сотиқ, илмий-техникавий каби соҳалардаги ҳамкорлиги мустақил ривожланиб, чуқурлашиб бормоқда.

Масалан, республикамизнинг жами ташқи обороти 1994 йилда 1993 йилга нисбатан бирмунча ошиб, 5033,3 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Шу жумладан, МДХ мамлакатлари билан савдо 2919,7 млн. доллар ва хорижий мамлакатлар билан савдо 2133,6 млн. долларни ташкил этди¹.

1994 йилда ҳукуматлараро битимларга биноан Ўзбекистоннинг МДХ мамлакатлари билан товар обороти 1,8 млрд. долларни ёки МДХ мамлакатлари билан умумий товар оборотининг 63,0 фоизини ташкил қилди. Бир неча юз млн. долларга жуда муҳим маҳсулотлар, жумладан нефть, авиация керосини, металл прокати, ёғоч-тахта ва бошқа товарлар келтирилди. Ўз навбатида, Ўзбекистон салкам бир млрд. долларлик маҳсулот етказиб берди. МДХ мамлакатлари билан маҳсулот келтириш-чиқариш сальдоси Ўзбекистон фойдасига 142 млн. доллардан кўпроқ маблағни ташкил этди².

Айни пайтда Ўзбекистон МДХ давлатлари билан миллий хавфсизлик ва мудофаа масалалари бобига, уларни мувофиқлаштириш бора-

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йулида. III-бет.

² Уша жойда 114-бет.

сида ҳам бир қатор муҳим давлатлараро шартномалар тузгандир.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати МДҲ имкониятларига ишонган ҳамда ўз мустақиллиги, суверенитетини дахлсизлигини кўзда тутган ҳолда мазкур иттифоқ таркибида бундан буён ҳам фаолият кўрсатишдан манфатдор эканлигини баён этиб келмоқда.

САВОЛ: 1993 йил январда бешта мамлакат бошлиқлари учрашувида “Марказий Осиё” деган янги тушунча қўлланилди ва ҳозирги кунда ҳам у кундалик илмий мулоқотга кириб бормоқда. Шу ҳақда маълумот берсангиз? Иккинчиси — Марказий Осиёдаги қардош республикалар ўртасидаги ҳамкорлик интег-рацион жараёнлар қандай давом этмоқда?

1993 йил январида Ўрта Осиё минтақасидаги 5 давлат — Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркменистон давлатлари бошлиқларининг Тошкентда бўлиб ўтган навбатдаги учрашувида республикамиз президенти Ислом Каримов ташаббуси билан “Марказий Осиё” тушунчасининг биринчи бор тилга олинishi ва муомалага киритилиши, шубҳасиз, муайян маъно ва мазмунни ўзида акс эттиради, албатта. Бизнинг фикримизча, бу термин, тушунчада туркийзабон халқлар истеҳкомат қилиб турган минтақанинг Ер юзидаги энг катта қитъада тутган ўрнига алоҳида урғу берилганлиги акс этгандай туюлади. Бу билан эса жаҳон ҳамжамиятининг бу минтақага, ундаги ўзгариш жараёнларига фавқулодда эътибор билан қарашлиги лозимлиги

таъкидлангандай кўринади. Шу боисдан ҳам бу термин нафақат географик тушунча маъносида, балки, шу билан бирга маълум сиёсий маънода ҳам муайян аҳамият касб этиши табиийдир. Зеро, буюк миллий истиқлол шарофати туфайли чинакам мустақилликка эга бўлиб, қадди-бастини ростлаётган, ўзлигини таниётган ва жаҳонга юз тутиб, биричи дафъа, халқаро майдонда танилиб, ўз роли ва ўрнини топиб бораётган минтақанинг ёш давлатлари учун жаҳон ҳамжамиятининг шундай алоҳида эътиборига сазовор бўлишлик гоятда муҳимдир.

Тўғри, асосий гап қандайдир янги атама ёхуд тушунчанинг муомалага киритилиши ва унинг одамлар томонидан эътироф этилишидагина эмас. Бизнинг минг-минг йилликлар қаърита бориб туташувчи кўҳна тарихимиз давомида минтақа ҳудудларининг Турон замин, Мовароуннаҳр, Туркистон ёки Ўрта Осиё деб номланиб келингани тарихий ҳақиқат. Уларнинг ҳар бири халқларимиз узун тарихи давомидаги ўзига жос мазмун ва мундарижани акс эттиради. Шу билан бирликда “Марказий Осиё” тушунчаси ҳам юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, шу ҳудудлар кенгликларида яшовчи қардош халқларнинг ягона маконга эга эканлигини ва уларнинг Осиёнинг муҳим географик ва стратегик нуқтасида жойлашган ҳолда юксак ижтимоий тараққиёт, ёрқин келажак томон интилаётганликларини, ўзгарувчан дунёнинг энг муҳим воқеалари, жа раёнларида фаол иштирок этишга азму қарор

қилганликларини яна бир бор ўзида ёрқин мужассамлантиради.

Энди Марказий Осиёдаги қардош республикалар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик, интеграция жараёнларига ва улар ўртасида мавжуд муаммоларга тўхталадиган бўлсак, бунда шуни айтиш лозимки, азал-азалдан, қондош-жондош, тарихдош ва томирдош бўлиб, бир умумий ҳудудий маконда яшаб келган, "пешонага битилган" яхши кунларни ҳам, азобу кўргиликларни ҳам, бировлар жиловида тутқинлик даврларини ҳам биргаликда баҳам кўрган минтақа халқлари учун уларнинг ёрқин, нурафшон келажаги учун миллий истиқлол бутунлай янги саҳифа очди. Ҳуқуқрон Марказ тазйиқидан халос бўлган, ўз эрки, инон-ихтиёрининг ҳақиқий соҳиблари бўлиб олган, ўз миллий бойликлари, ресурсларини тасарруфига киритган Марказий Осиё халқлари янги, истиқлол йўлини танлаб олиб, шу йўлдан изчил илгарилаб бормоқдалар. Айниқса, бунда шу халқларнинг тарихан таркиб топган қардошлик ришталарини яқиндан боғлаш, муштарақ манфаатлар йўлида биргаликда ҳамкорлик қилишлари муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганидек, "халқларимиз тарихи, маданияти, анъаналари, диний эътиқодларининг муштарақлиги мамлакатларимиз ўртасидаги амалий ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликнинг муҳим пойдевори ҳисобланади. ... Бизнинг мақсадларимиз бир. Бизда миллий муносабатларда кескинликлар йўқ, ҳал қилиб бўлмайдиган вазиятлар ҳам йўқ. Интеграция йўлидан олға томон

ҳаракат қилаётганимиз ҳам буни тасдиқлаб турибди¹.

Шаҳар, қишлоқлари бир-бири билан туташган, сув ресурслари ягона бўлган, табиий иқлимларию одамларининг турмуш тарзлари ўхшаш, маънавий қадриятлари сарчашмалари умумий ҳисобланган минтақа давлатларининг истиқболи ва равнақи кўп жиҳатдан уларнинг ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги ўзаро ҳамкорлиги, ҳамжиҳатлиги ва биргаликда қиладиган куч-ғайратларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бу эса мазкур давлатлар ўртасидаги интеграция жараёни бутун чоралар билан чуқурлаштириб боришини тақозо этади. 1994 йил январида Тошкентда Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари президентлари учрашуви пайтида иккала давлат ўртасида ягона иқтисодий мақонни яратиш тўғрисида шартнома имзоланиши, кўп ўтмай унга қардош Қирғизистон давлатининг қўшилиши, шубҳасиз, минтақа халқлари ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Уччала давлат ўртасидаги бу шартнома ўз самарасини намоён этмоқда. Алмати шаҳрида битимда қатнашувчи мамлакатларнинг вакилларидан иборат Давлатлараро ижроия қўмита тузилди. Тошкентда минтақа банк маркази иш бошлади. Саноатни интеграциялаштирадиган дастур ишлаб чиқилди. Ҳозирда шу дастур асосида бутун Марказий Осиё минтақаси муҳтож бўлган маҳсулотни ишлаб чиқарадиган, биргаликда сармоя сарфланадиган аниқ объектлар белгилаб олинди

¹ "Ўзбекистон овози", 1995 йил, 25 февраль.

ҳамда уларни амалга ошириш борасида тегишли тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ҳар уччала давлат раҳбарлари имзолаган шартномада уқтирилганидек, минтақада бунёд этилаётган ягона иқтисодий макон, бу шу сарҳадларда яшовчи барча мамлакатлар ва улар халқларининг умумий равнақи, фаровонлигига қаратилган бўлиб, унинг фаолиятида бошқа қўшни давлатлар ҳам бемалол қатнашишлари мумкин. Бундай интеграция, Ислом Каримов таъбири билан айтганда, “ҳар бир давлатнинг манфаатларига мос келади”. Бизни бирлашишга бир тарафдан халқларимиз, иккинчи тарафдан эса минтақа эҳтиёжи ундамоқда”¹.

Бироқ шуни ҳам таъкидлаш жоизки, минтақада интеграция жараёнини тўла-тўқис равишда амалга оширишда бир талай ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Хусусан, Тожикистон ҳудудида фуқаролар тинчлиги, о сойишгалигининг таъмин этилмаганлиги, муҳолифлик можораларининг давом этаётганлиги, Оролбўйи минтақасидаги кескин табиий-экологик ҳолатни бартараф этиш борасида мутасадди давлатлар ўртасида бир хил нуқтаи назарлар, ҳамкорлик шакллари-нинг ишлаб чиқилмаганлиги ёхуд интеграция жараёнларини тушунишида давлат раҳбарлари ўртасида ҳар хил қарашларнинг мавжудлиги ва шу сингари ҳоллар фикримиз тасдиғи бўла олади.

¹ “Туркистон”. 1996 йил, 17 апрель.

Ўйлаймизки, минтақа халқлари туб манфаатларини ҳамма нарсадан аъло кўрадиган, шу йўлда куч-гайратлари, саъй-ҳаракатларини аямайдиган Марказий Осиё давлатлари олий раҳбарлари охир-оқибат бир-бирлари билан умумий тил топиб, мавжуд муаммоларни бир-галикда ҳал этиш учун ўзларида куч, ифода ва матонат топа биладилар.

САВОЛ: Россия Федерацияси Давлат Думасининг Беловеж битимларини бекор қилиш тўғрисидаги қарорини қандай изоҳлаш мумкин?

Республикамиз Президенти И. Каримов Россия Федерацияси Давлат Думасининг Беловеж битимларини бекор қилиш тўғрисида 1996 йил 15 мартда қабул қилган қарорини Хоразм вилояти халқ депутатлари Кенгашида сўзлаган нутқида ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатида батафсил изоҳлаб берди ва Ўзбекистоннинг бу қарорга муносабатини билдирди. Шунингдек, Олий Мажлис кўмиталарининг баёнотида, Ташқи ишлар вазирлигининг баёнотида анчагина шов-шувга сабаб бўлган ўша машҳум қарорга Ўзбекистон Республикасининг муносабати билдирилди.

Гал шундаки, Россияда "Фалаж қилиб даволаш" туридаги чуқур асосланмай ўтказилган ислохотлар кўпчилик аҳолини огир аҳволга солиб қўйди, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чоралари кўрилмади. Натижада одамларнинг Россияда ҳокимиятга келган демократик кучлардан ҳафсаласи пир бўлди. Ҳокимият учун кураш олиб бораётган сиёсий кучлар

бундан фойдаланиб, одамларни ўз томонига оғдириб олишга уринмоқдалар ва Давлат Думасида етакчи ўринларни эгалламоқдалар. Бунга Жириновский бошчилик қилаётган Россия либерал-демократик партия вакилларининг, 1995 йилда бўлган сайловларда Зюганов бошчилик қилаётган Россия Компартияси вакилларининг Давлат Думасида кўпчилик ўринларни эгаллаши яққол мисолдир. Россияда 1996 йил 16 июн ва 3 июл кунлари бўлиб ўтган Президент сайлови вақтида сиёсий кураш янада авж олди. Давлат Думасида кўпчиликни ташкил этувчи коммунистлар, уларни қўллаб-қувватлаган либерал-демократик партияси вакиллари ва бошқа кучлар Президентлик лавозими учун бошланган пойгада ташаббусни қўлга олиш учун Беловеж битимларини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу қарордан мақсад сиёсий ўйин орқали сайловчиларни ўзига жалб қилиш, собиқ СССРни қайта тиклаш борасидаги барча жараёнларни жиқдириб юбориш, тезлатишдан иборат. Тарихни орқага қайтариб бўлмаганидек, СССРни ҳам қайта тиклаб бўлмайди. Республикаларнинг давлат мустақиллигини қўлга киритиши натижасида СССР батамом барбод ва бадном бўлган, унинг тарихига охириги нуқта қўйилган. Мустақил бўлиб олган республикалар жумладан Ўзбекистон яна қарамлик ҳолатига тушиб қолишни, бировга муте бўлишни хоҳламайди.

САВОЛ: Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан алоқалари ҳалқ қаётига, турмушига қандай таъсир этмоқда?

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати халқ манфаатлари йўлида хизмат қилишга, халқ турмуши, фаровонлигини яхшилашга йўналтирилган. Шунинг учун хорижий мамлакатлар билан алоқаларда иқтисодий омилар ҳал қилувчи роль уйнайди. Хорижий мамлакатлардан республикамизга илгор технологиялар, сармоялар кириб келиши, қўшма корхоналар қурилиши оқилона ташқи сиёсатнинг натижасидир. Бугунги кунда Ўзбекистонда жаҳондаги 70 га яқин мамлакатларнинг сармоялари иштирокида ташкил этилган 2400 дан ортиқ қўшма корхоналар ишлаб турибди¹, улар истеъмол моллари, экспорт учун сифатли товарлар ишлаб чиқармоқда, аҳолига хизмат қилмоқда. Навоий вилояти Зарафшон водийсидаги Мурунтогда АҚШнинг Ньюмонт Майнинг корпорацияси билан ҳамкорликда тоғ жинсларидан олтин ва кумуш ажратиб олувчи "Зарафшон-Ньюмонт" қўшма заводининг қурилиши, Хоразмда Германиянинг "Мерседес-Бенц" фирмаси билан ҳамкорликда юк автомобиллари ишлаб чиқариш заводининг қуриб ишга туширилиши, Асакада "ЎЗДЭУавто" Ўзбекистон ва Корея қўшма автомобиль заводининг қурилиб ишга туширилиши ва бошқалар фикримизнинг ёрқин далилидир. Бундай ҳамкорликдан иккала томон ҳам манфаат кўрмоқда. Нафақат аҳолига зарур маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда ва хизмат кўрсатишмоқда. Қўшма корхоналарнинг қурилиши натижасида кўплаб иш ўринлари вужудга кел-

¹ Халқ сузи, 1996 йил 26 июль.

моқда, бу республикада ишсизлик муаммосини ечиш, ишсизларни ишга жойлаштиришга кўмаклашмоқда. Бу ўз навбатида аҳоли даромадини оширмоқда, турмушни яхшиламоқда.

САВОЛ: *Хорижий сармоядорлар мамлакатимиз табиий ресурсларини ўз манфаатлари йўлида жадал ўзлаштирмоқда, одамларимизни энг арзон ишчи кучи сифатида ишлатмоқда, деган гап-сўзлар қулоққа чалинмоқда, буни қандай изоҳлаш мумкин? Бир "оға"дан қутилиб, бошқалар измига тушиб қолмаймизми?*

Хорижий сармоядорлар мамлакатимиз табиий ресурсларини жадал ўзлаштирмоқдалар, деган гап-сўзларнинг ҳеч қандай асоси йўқ. Ўзбекистон биронта хорижий мамлакатга ёки сармоядорга бойлигини, конларини, табиий ресурсларини бемалол фойдаланишга бериб қўйгани йўқ. Тўғри, табиий бойликлардан фойдаланиш бўйича қўшма корхоналар тузилди ва тузилмоқда. Бу корхоналарда Ўзбекистоннинг ҳам ўз ҳиссаси бор, даромадлардан шерикчилик асосида манфаат кўрмоқда, бу корхоналар устидан давлат назорати мавжуд. Барча ер ости бойликларимизга, табиий ресурсларимизга ўзимиз тўла хўжайинмиз. Уларни жадалроқ ўзлаштиришдан халқимиз манфаатдор, халқ турмушини яхшилаш ишунини тақозо этмоқда.

Саволнинг иккинчи қисмида қўшма корхоналарда ишловчиларга тўланадиган иш ҳақи тўғрисида гап бормоқда. Бундай корхонадаги меҳнат ҳақининг кўп ёки камлигини таққослаш орқали билиш мумкин. Агар ривожланган

мамлакатларда тўланадиган иш ҳақиға таққосланса, республикамизда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналарда меҳнат қилаётганларға берилаётган иш ҳақи жуда паст, албатта. Агар республикамизнинг корхоналарида тўланаётган иш ҳақи билан таққосласа қўшма корхоналарда тўланаётган иш ҳақи паст эмас, аксинча кўпроқдир. Ўзбекистонда меҳнат ҳақининг даражасининг ҳозирча ривожланган давлатлар билан эмас, собиқ СССР республикалари билан таққослаш ўринлидир. Бу ҳудудда меҳнат ҳақининг камлиги вақтинча бўлиб, иқтисодиётнинг кўтарилиши билан ўз ўрниға тушиб кетади. Ўзбекистон иқтисодиёти кўтарилган сари иш ҳақи, пенсия, стипендиялар миқдори, шунингдек, қўшма корхоналарда ҳам меҳнат ҳақи тобора ошириб борилмоқда. Қўшма корхоналарда ишлаётган меҳнатчиларнинг тақдири хорижий сармоядорларға батамом топшириб қўйилмаган, уларда Ўзбекистоннинг, маҳаллий сармоядорларнинг ҳам ҳиссаси, таъсири бор.

М У Н Д А Р И Ж А

Сўз боши	3
Мустақиллик — асрий орзумиз	8
Миллий тикланиш ва ривожланишнинг сиёсий омиллари	28
Иқтисодий мустақиллик — фаровонлик омили	55
Мустақиллигимизнинг маънавий асослари	76
Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси	91

Муаллифлар гуруҳи

**ЎЗБЕКИСТОН ҚАРАМЛИК ВА МУСТАҚИЛЛИК
ЙИЛЛАРИДА**

Тошкент — “Ўқитувчи” — 1996

Муҳаррирлар: *И.Шоймардонов, Р.Мирхалиқов*

Оригинал-макетдан босишга ружсат этилди 27.08.96.
Бичими 70ж90 1/32. Офсет қоғози. Келли 10 шпонли.
Балтика гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.
Шартли бл. 4-53. Напр. л. 4,5. 15000 нусжа. Букортма
Д7444.

“Ўқитувчи” нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шар-
тнома 07-186-96.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг
Тошполиграфкомбинати. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
1996.